БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 17 июль Сешанба № 132 (13.568). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 13 ва 14 июль кунлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди сайлаган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум яширин овоз бериш йўли билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини қуйидаги таркибда сайлади: М. С. Горбачев, М. М. Бурокявичюс, Г. Г. Гумбаридзе, С. И. Гуренко, А. С. Дзасохов, Г. А. Ивашко, И. А. Каримов, П. К. Лучинский, А. М. Масалиев, Қ. Маҳкамов, В. М. Мовсисян, А. Н. Муталибов, Н. А. Назарбоев, С. А. Ниёзов, И. К. Полозков, Ю. А. Прокофьев, А. П. Рубикс, Г. В. Семенова, Э.- А. А. Силлари, Е. Е. Соколов, Е. С. Строев, И. Т. Фролов, О. С. Шенин, Г. И. Янаев.

Қуйидагилар КПСС Марказий Комитетининг котиблари этиб сайландилар: О. Д. Бакланов, Б. В. Гидаспов, А. Н. Гиренко, А. С. Дзасохов, В А. Купцов, Ю. А. Манаенков, Г. В. Семенова, Е. С. Строев, В. М. Фалин, О. С. Шенин, Г. И. Янаев.

Қуйидагилар секретариат аъзолари этиб сайландилар: В. В. Анискин, В. А. Гайворонский, И. И. Мельников, А. И. Тепленичев, Г. Турғунова.

Пленум И Т. Фроловни «Правда» газетасининг бош муҳаррири этиб сайлади.

КПСС XXVIII съездининг резолюцияси

КПССнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисида

Социалистик жамиятнинг, Коммунистик партиянинг тақдири кўп жиҳатдан ёшларга боғлиқ. Ёшларнинг фаол позицияси, ижтимоий кайфияти кўп жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий вазиятни белгилайди.

Съезд ёш авлодга нисбатан самарали, яхлит сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни жадаллаштириш зарур деб ҳисоблайди. Бу сиёсат шахснинг ҳар томонлама камол топиши, ёшлар ҳаётий мақсадларининг рўёбга чиқарилиши, уларнинг фаол сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолиятга жалб қилиниши учун реал шароит ва омиллар яратилишини таъминлаши керак.

1. КПСС ёшлар сиёсатининг энг муҳим йўналишлари. Съезд партиянинг ёшлар сиёсати давлат органлари томонидан ана шу сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида, шунингдек уларнинг ёшлар билан олиб борадиган бевосита ишида партия ташкилотлари билан коммунистларнинг иштироки йўли билан рўёбга чиқарилиши керак деб ҳисоблайди. Бу сиёсат ёш авлодга нисбатан тўла ишончга, ёшлар ва уларнинг ташкилотларининг мустақил сиёсий фаолиятга бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилишга, уларнинг ишларига аралашишдан воз кечишга асосланиб қурилади.

КПСС ёшлар билан кенг кўламда мулоқот қилиш, социалистик йўлни танлаган барча ёшлар ташкилотлари ва ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилиш тарафдори бўлиб, ижтимоий кучларни жипслаштиришни мўлжаллаётган ёшлар бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш ниятидадир. Съезд ёшларнинг муамомларини ҳал этишда давлат органлари билан жамоат ташкилотлари куч-ғайратини бирлаштириш тарафдори эканлигини баён қилади.

КПСС ёшлар орасида олиб борадиган ўзининг фаол иши билан ёшлар партия Ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлашига эришади, партия сафларига янги кучлар келиб қўшилиши учун шароит яратади, уларга сиёсий ва жамоатчилик фаолиятида реал ёрдам кўрсатади ва бу билан ижтимоий ва давлат турмушининг барча соҳалари ёшаруви учун шарт-шароит яратади.

КПСС таълим ва маданият соҳаларини устун даражада ривожлантириш, ёшлар орасида социалистик ғояларни, умумбашарий қадриятларни қарор топтириш, йигит ва қизларда уларнинг Совет Иттифоқи халқлари миллий ва маданий анъаналарини чуқур ўзлаштиришига асосланган ватанпарварлик, фуқаролик фазилатларини, Ватан ҳимоясига тайёр туриш фазилатини қарор топтириш учун курашаверади. Оиланинг ахлоқий дастакларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг ёш авлод тарбиясига ҳиссасини ошириш ижтимоий тарбиянинг пойдевори бўлиб қолиши керак.

Съезд партиянинг ёшларга доир сиёсати масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитетининг, маҳаллий партия комитетларининг комиссияларини тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

2. КПСС ёшлар сиёсатини амалга ошириш воситаси. Съезд қишлоқ ва посёлка Советидан то СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советигача бўлган барча даражаларда давлат томонидан регионал ва миллий хусусиятларни ҳисобга олувчи ёшларга доир сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий воситаларини шакллантириш тарафдори бўлиб ёшларнинг муаммолари билан шуғулланувчи қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти органларида тузилмалар яратиш керак, деган фикрни айтади. Ёшларга доир сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёшларнинг ўзлари фаол қатнашишлари муҳимдир, лекин бунда ёш авлодга нисбатан давлат вазифалари ВЛКСМ, бошқа ёшлар ташкилотлари зиммасига юклатилмаслиги керак.

Съезд давлатнинг ёшларга доир сиёсатининг умумий асослари ҳақида СССР Қонуни ва иттифоқдош республикалар қонунлари тезда қабул қилиниши, ёшларга тааллуқли нормативлар ва ижтимоий кўрсаткичлар ишлаб чиқилиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг Иттифоқ, республика ва регионал режаларига ёшларга оид махсус бўлимлар киритилиши керак, деб ҳисоблайди.

3. Ёшлар ижтимоий муаммоларини ҳал этиш. Съезд ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти; болаларнинг ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш; ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни меҳнатга тайёрлаш: ёш ногиронларни жамоат ишлари учун яроқли қилиш; болалар ва ёшлар учун моллар ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш; ёшларнинг талабларини ҳисобга олиб уй-жой қуриш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва камол топтириш; халқаро ёшлар алоқаларини ривожлантириш; ёшларнинг тадбиркорлигини авж олдириш юзасидан умумдавлат, республика ва регионал дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини тезлаштириш ҳақидаги талабларни қўллаб-қувватлайди. Бу дастурларни амалга ошириш учун Иттифоқ ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан махсус пул ажратиш зарур. Ёш фуқаролар ва ёш оилалар ўз уй-жой муаммоларини ҳал этиш, замонавий касблар бўйича тайёрланиш, таълим олиш, шу жумладан чет элларда таълим олиш учун ёрдам пулларидан, имтиёзли қарзлардан фойдаланишлари лозим. Делегатлар ёшларга ижтимоий ёрдам системасини вужудга келтириш соҳасидаги комсомол ташаббусини маъқуллайдилар ва бу система кенг кўламдаги жамоат-давлат ижтимоий хизматининг таркибий қисмига айланиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ёшларнинг ҳуқуқий масъулияти амалга оширилишига инсонпарварона тус бериш, ёшлар орасида ичкиликбозлик, гиёвандлик кўринишларига қарши фаол курашиш зарур.

Жамият ёшларга уларнинг ҳаёт йўли бошланган пайтда, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ёрдам бериши, бунинг учун тегишли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаши лозим.

Съезд делегатлари СССР Президенти ёшлар фондини вужудга келтирилишининг, Президентнинг ёшларга доир дастурининг энг муҳим йўналишлари амалга оширилишининг тарафдори бўлиб, КПСС Марказий Комитетига бу фондда иштирок этиш масаласини кўриб чиқишни топширадилар.

4. КПСС билан ВЛКСМнинг ўзаро муносабатлари. КПСС ВЛКСМни ўз сиёсий иттифоқчиси деб, жамиятни ўзгартириш соҳасидаги ўз дастурларини амалга оширишда ёрдам бера оладиган ва ғоявий жиҳатдан партияга яқин бўлган ташкилот деб билади.

Съезд комсомол XXI съездида тасдиқланган ВЛКСМнинг инсонпарвар демократик социализмни вужудга келтиришда фаол иштирок этиш, ёшлар ҳаракатини қайта қуриш ғоялари асосида жипслаштириш, социалистик йўлни танлаган ташкилотлар билан иттифоқда ҳаракат қилиш, барча демократик ҳаракатлар ва ташкилотлар билан мулоқотни ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги интилишини қўллаб қувватлайди.

КПСС комсомолга сиёсий жараённинг тўла ҳуқуқли ва обрўли қатнашчисига айланишида ёрдам беради, жамият ишларини бошқаришда унинг ҳуқуқлари ва имкониятлари кенгайтирилишига эришади, ВЛКСМ билан ўз муносабатларини ўртоқларча ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида совет ёшларининг мустақил ижтимоий-сиёсий ташкилоти сифатида қуради. Партия ўз сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комсомолнинг бевосита иштирок этишидан манфаатдордир.

КПСС съезди комсомолнинг уюшмани ташкилий-сиёсий янгилашга қаратилган амалий тадбирларини қўллаб-қувватлайди, унинг ўз камолоти учун, ёшларнинг хусусиятлари ва кайфиятларига монанд иш шакллари ва усулларини такомиллаштириш учун шароит яратилишини қўллаб-қувватлайди. Ёш коммунистлар фаол ишлайдиган, ёшларнинг манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган мустақил, демократик ва очиқ ташкилотдангина КПСС ўз янгиланиши учун куч ола билади.

Партия ВЛКСМга ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлашда, ёшлар уюшмасининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, газета ва журналлар нашр этишда, йигит ва қизлар билан иш олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан ва ўзининг бошқа имкониятларидан фойдаланишда зарур ёрдам кўрсатади. Ёшларнинг турли қатламларига мўлжалланган партия газеталари ва журналлари нашр этишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

КПСС болалар ҳаракатини демократиялаш тарафдори бўлиб, шахсни камол топтиришда ҳақиқатан ёрдам кўрсатувчи, уларни ижтимоий ва бадиий ижодиётдан баҳраманд қилувчи, социалистик ватан фуқаросини шакллантирувчи ташкилотга айланиши керак бўлган В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотини янгилаш зарурлигини қўллаб-қувватлайди. Партия давлат ҳокимияти органларида болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, улар билан ишлаш учун моддий базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатади.

Съезд ёшлар билан ишлаш муаммоларини КПСС Марказий Комитети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг, маҳаллий партия ва комсомол комитетларининг қўшма пленумларида муҳокама қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

КПСС Ватан тарихининг мураккаб бурилиш даврида партиямиз ва халқимизнинг бутун ижодий, жўшқин, илғор фазилатлари совет ёшларининг, Ленин комсомолининг фаол мададидан баҳраманд бўлади деб астойдил умид қилади.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг VIII пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

14 июль куни Тошкентда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг VIII пленуми бўлиб ўтди. У қуйидаги масалаларни кўриб чиқди:

1. ВЛКСМ XXI съезди, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунлари ва жумҳурият комсомолини янада ривожлантиришнинг биринчи навбатдаги вазифалари тўғрисида.
2. Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съезди ҳақида.
3. ВЛКСМ аъзоларини ҳисобга олиш тартиблари ва Ўзбекистон жумҳурият комсомол ташкилотларида комсомол ҳужжатларини топшириш қўлланмаси лойиҳаси ҳақида.

Дастлабки масала юзасидан Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. НОСИРОВ маърузa қилди.

Иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби И. БИБИКОВ пленум қатнашчиларига ахборот берди.

Маъруза юзасидан музокараларда Наманган шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби А. Абдуллаев, Самарқанд вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби В. Тивоник, Хоразм вилоят Урганч агрокооператив иттифоқининг бош агрономи О. Оллаберганов, Андижон вилоят Москва ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби М. Мирзаев, Тошкент шаҳар Киров ноҳия партия қўмитасининг бўлим мудири Л. Ғуломов, Жиззах вилоят Пахтакор ноҳиясидаги «Самарқанд» давлат хўжалиги пахтачилик бригадасининг бошлиғи Ш. Аблазова, Бухоро шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби Э. Қосимов, Тошкент политехника институтининг битирувчиси А. Қосимова, Ўзбекистон ЛКЁИ Қорақалпоғистон вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби О. Абдумажитов, Марғилон шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ж. Султонов, Тошкент Олий партия мактабининг тингловчиси Ш. Алламуротов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездини шу йил ноябрь ойининг охирги ўн кунлигида Тошкент шаҳрида чақиришга келишиб олинди.

Пленумда кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби И. МУРТАЗОЕВ сўзга чиқди.

Пленум кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум қатнашчилари Қирғизистон ССРнинг Ўш вилоятида юз берган машъум воқеалар вақтида ҳалок бўлганларнинг хотирасини сукут сақлаб эсга олдилар.

Пленумда СССР Президенти ва Олий Шўросига ёшларни Совет Армияси сафига чақириш масаласи юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг 1-сессиясида кўтарилган масалаларни тезроқ ҳал қилиш ҳамда «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига тегишли ўзгаришлар киритиш зарурати тўғрисида мурожаат қабул қилди.


Пленумда ўзбекистонлик йигитларнинг Совет Армияси сафларидаги хизмати ҳақида резолюция қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг ташкилий-партиявий ва кадрлар ишлари бўйича бўлим мудирининг ўринбосари С. Н. Исмоилова, Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг ёшлар масалалари бўйича комитети раиси А. Аъзамхўжаев, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ташкилий бўлим мудирининг ўринбосари А. Моисеичев ўртоқлар иштирок этдилар.

КОМИССИЯНИНГ ИЛК ЙИҒИЛИШИ

14 июль куни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг VIII пленумида жумҳурият комсомоли Устави ва ҳаракат дастурини тайёрловчи комиссия тасдиқланди. Шу куни комиссиянинг илк мажлиси бўлиб ўтди. Унда комсомол ташкилотларидан янги Устав ва ҳаракат дастури лойиҳасига келган таклиф-мулоҳазалар кўриб чиқилди.

Йиғилишни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров олиб борди.



Суратда: пленум қатнашчилари. Е. БОТИРОВ сурати.

Ёрдам бериб бирлаштирайлик

Ғалаба ноҳиясидаги «Огонёк» боғдорчилик-узумчилик давлат хўжалиги заводининг комсомол ташкилоти анча кенгайди. Илгари «ўлик жонлар» ҳисобланиб келган ўнлаб комсомоллар рўйхатга ёзилдилар. Кейинги вақтнинг ўзида ВЛКСМ сафларига беш киши аъзо бўлди.

— Мен комсомол қўмитаси бизга оғизда эмас, амалда ёрдам бераётганлигини ҳис қилганимдан кейин рўйхатга ёзилдим, — дейди ёш ишчи В. Шатаева. — Четда туришга виждоним йўл қўймади.

Тўртинчи бўлим ишчиси С. Мамажонов комсомол раҳбари Р. Пайзиевга мурожаат қилиб, ундан уйни ремонтдан чиқаришда ёрдам беришни сўради. Бу ерда ундан «зарур» маълумотлар, ҳужжатлар сўраб ўтиришмади, зотан айрим маъмурий-хўжалик органларида кўпинча шундай бўлади. Ёрдам бериш пайсалга солинмади: комсорг тақдимномасига биноан С. Мамажоновга зарур қурилиш материаллари ажратиб берилди, маҳаллий қурилиш бригадаси ҳовлидаги ёрдамчи биноларни қуришда кўмаклашди.

— Комсомол қўмитасининг котиби бошқа ишлардан озод қилинганидан кейин ишларимиз жуда юришиб кетди, — дейди Р. Пайзиев. — Бевосита комсомол иши билан шуғулланиш, ёшлар орасида кўпроқ бўлиш учун вақтим анча кўпайди. Ҳозир биздаги комсомоллар рўйхатида 150 киши бор. Ўттиз ёшгача бўлган хўжалик ишчиларининг учдан бир қисми комсомол аъзосидир. Комсомол қўмитасининг аъзолари билан биргаликда яқин вақт ичида қилиниши керак бўлган ишлар режасини тузиб чиқдик. Бу ишлар орасида бўш вақтни кўнгилли ўтказиш, спорт ишларини ташкил қилиш, комсомол-ёшлар меҳнат жамоаларини тузиш кабилар бор. Лекин биз ёш ишчиларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Имоним комилки, фақат одамларга ёрдам бериш, уларнинг эҳтиёжлари ва ташвишларини тушуниш орқалигина биз уларни бирлаштиришимиз мумкин.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.



Редакциямиз меҳмони


Кеча редакциямизга АҚШнинг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчи-элчиси жаноб Жон Майкл Жойс ташриф буюрди. У ёш журналистлар фаолияти, рўзномамизнинг яқин келажакдаги режалари билан қизиқди.

Муҳарриримиз Ж. Раззоқов америкалик меҳмоннинг саволларига батафсил жавоб қайтарди, Ўзбекистонда сўнгги йилларда рўй берган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. Хусусан, меҳмонимиз ўтган йили кўплаб қишлоқ оилалари томорқа билан таъминлангани, Тошкент Олой бозоридаги тўкинсочинлик унда яхши таассурот қолдирганини айтди.

Жаноб Жойс жумҳуриятнинг янги парламенти фаолияти, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов олиб бораётган сиёсат, нима сабабдан жумҳуриятимизда Компартиянинг нуфузи тушмаётгани, унинг сафидан кишилар оммавий чиқиши кузатилмаётгани, шунингдек, ўз ишини якунлаган КПСС XXVIII съезди натижаларини муштарийларимиз қандай кутиб олишгани билан қизиқди.

Учрашув сўнгида меҳмон ҳозир АҚШ элчихонасида Шўролар Иттифоқининг кўпгина шаҳарларида, жумладан Тошкентда Америка маданият маркази очиш масаласи кўрилаётганини билдирди. Бу унинг фикрича бирodарлашган Тошкент ва Сиэтл орқали умуман Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи лозим.

Хайрлаша туриб жаноб Жойс рўзномамиз муштарийларига ҳаётда ва барча ишларда фаровонлик тилаб қолди.



М. АҲМЕДОВ.

СУРАТДА: учрашув вақтида.

Е. БОТИРОВ сурати.

ЖУМҲУРИЯТ КОМСОМОЛИ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. НОСИРОВ маърузаси

Азиз дўстлар!

Комсомол Марказқўмининг сўнгги Пленумидан сўнг орадан 4 ой ўтди. Бу муддат жамиятни, ёшларни, партия ва комсомолни ривожлантиришнинг ички моҳиятини очиб берувчи кенг кўламли сиёсий воқеаларга бой бўлди. Энг аввало куни кеча якунланган КПСС XXVIII съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездини, ВЛКСМ XXI съездини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан. Улар ижтимоий-сиёсий ўзлигини топиш съездлари бўлди, улар жамиятимиз сиёсий системасининг янги принципларини, партия ва комсомолнинг янги мақомини, янги ёшлар сиёсатини таркиб топтириш съездлари бўлди.

ВЛКСМ XXI съездидан, ВЛКСМ МҚсининг биринчи Пленумларидан, кейинги пайтларда бўлиб ўтган қатор иттифоқдош жумҳуриятлар комсомол анжуманларидан сўнг биз моҳият нуқтаи-назаридан бутунлай янги комсомолни кўриб турибмиз. Илгариги «якдиллик билан», «бир овоздан» қарорлар қабул қилиш даври ўтди. Кўпқирралик, юзага чиқаётган ёндашувлардаги, сиёсий оқимлардаги қарама-қаршиликлар ўзига хосликлари кўзга яққол ташланаяпти.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Латвия ЛКЁИ асосида сиёсий бартарафлик тактикасига асосланган ёшлар тараққиёти Иттифоқи, Украина комсомолининг ЛКЁИ бутуниттифоқ уставидан ўз уставининг нуфузлигига асосланган қабул қилган қарорлари, Россия комсомолининг федерация принципи коллектив аъзолик институти билан бойиди. Бу шунга мисол бўла олади.

Москва, Ленинград ва бошқа катта шаҳарларда авж олаётган социал-демократик, ижтимоий-сиёсий муқобилликка тўқнаш келаяпмиз. Съездда у ўзини коммунистик ғоя ва амалиётни танқид қилишда кўрсатди, комсомолнинг мафкуравий базасини кенгайтириш ниятида, «коммунистик», «ленинчи» сўзларидан воз кечишда намоён қилди. Съезднинг якуний ҳужжатида сезиларли даражада ана шу янги ёшлар сиёсий кучларининг позициялари ўз аксини топди.

ВЛКСМ XXI съезди янгиланаётган жамиятда ёш инсонга чинакамига ҳаётий зарур ташкилот бўлиш йўлида комсомол олға ташлаган бир қадам бўлди. Ёшлар Иттифоқи (моделини) тубдан ўзгартирувчи янги Устав қабул қилинди. Съезднинг муҳим якуни шу бўлдики, кўпчилик делегатлар ташкилотнинг коммунистик характерига, социалистик йўлига хайрихоҳ эканликларини билдирдилар.

Съезд ўз функцияларини уддалашга, ВЛКСМнинг бирлигини сақлашга эришди. Чунки, томонлар сиёсий муроса ва ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдиришди. Съезднинг ижобий якуни — ВЛКСМда янги мафкуравий, ижтимоий-сиёсий мезонларнинг таркиб топиши бўлди. Съезд комсомолнинг сиёсий мустақиллигини эълон қилди. Комсомол энди ўз фаолиятининг барча ташкилий ва бошқа масалаларини ўз ихтиёри билан ҳал этади, партияни эса ўзининг тенг ҳуқуқли сиёсий шериги деб билади. Комсомолнинг янги мақомини белгилаш асносида съезд КПСС МҚсининг XXVIII съезд арафасидаги сиёсий мунозарани сусайтиришга қаратилган хатини танқид қилувчи «ВЛКСМ XXI съездининг КПСС МҚсига ва барча коммунистларга Мурожаати»ни қабул қилди, ВЛКСМ МҚсининг иккинчи Пленуми эса партия XXVIII съездига комсомолнинг позицияси тўғрисида резолюция қабул қилди.

XXI съездда Ўзбекистон делегацияси коммунистик платформадаги ВЛКСМнинг бирлиги, КПСС билан сиёсий иттифоқ бўлиш ғоясини ҳимоя қилиб чиққанини сиз яхши биласиз. Шунинг учун бизни съездда комсомолни партиядан маълум даражада четга олишга сари қилинган хатти-ҳаракатлар қониқтирмасди. ВЛКСМдаги сафдошларимизнинг нуқтаи-назарларини ҳурмат қилган ҳолда, биз Ўзбекистонда хотиржамлик ва тараққиётни таъминлашга қодир куч, шак-шубҳасиз коммунистик партия деган фикрда собит қадаммиз.

Ўзбекистон делегацияси съездда Ўрта Осиё ва Қозоғистон делегациялари билан бир ёқадан бош чиқариб ишлади. Жуда ҳам принципиал масалалар, шунингдек ВЛКСМнинг ташкилий тузилиши, мулки, КПСС билан ўзаро муносабатлари масалалари муҳокама қилинганда Молдавия, Озарбайжон, Белоруссия, РСФСРнинг айрим вилоят делегациялари билан бир-биримизни тушуниб, ишонч асосида ҳаракат қилдик. Жуда қалтис вазиятларда ўзаро маслаҳатлашувлар бўлди, икки марта регионимиз вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Мана шу ҳамжиҳатлик туфайли ВЛКСМни ғоявий жиҳатдан парчалаб ташлаш, унинг асосида турли ёшлар ҳаракатларининг беўхшов конгломератини тузиш ҳақидаги ҳаракатларга зарба берилди. ВЛКСМнинг федератив тузилиши учун ҳам жиддий кураш олиб боришга тўғри келди. Чунки РСФСРнинг қатор вилоят ва ўлка делегациялари ҳам бунга қарши туришганди.

Бир ой олдин қайта қуришнинг асосий жиҳатларини белгилаб берган, миллий давлат ҳокимият ҳуқуқини мустаҳкамлаган, ЎзССРнинг иқтисодий мустақиллигини, партиянинг янги сиёсий системадаги ўрни ва ролини кўрсатиб берган Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди бўлиб ўтди. Жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳволи тўғрисида росмана, партиявий принципиаллик билан гаплашиб олинди. Съезднинг Ўзбекистондаги вазиятнинг мамлакат бошқа регионларига ўхшамаган ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, жумҳурият учун иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг янги шаклини яратмоқ лозимлиги тўғрисидаги хулосасига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Бу позиция ЎзССР Олий Шўросининг иккинчи сессияси қабул қилган Мустақиллик декларациясида ўз аксини топди. Съезд шунингдек коммунистларнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққий эттириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш бўйича Компартиянинг сайловолди Ҳаракат дастурини амалга оширишга тайёр эканлигини билдирди.

XXII съезднинг сиёсий йўли Компартия халқ хоҳиш-иродасини тўла илғаб оладиган, норасмий қатламларда пайдо бўлаётган барча илғор, ижобий ҳаракатларни ўз сиёсатига сингдира олиш қобилиятига эга бўлганлигини кўрсатди. Съезд делегатларининг ваколатларини узайтириш бўйича қарор қабул қилинди.

Шунинг учун келгусида Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичи ана шу қароридан келиб чиққан ҳолда, КПСС XXVIII съезди якунлари асосида Республика Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида бир қатор дастурий ҳужжатлар қабул қилиш кўзда тутилган. Шу боис Компартиянинг Ўзбекистон комсомоли билан ўзаро муносабати, ёшлар сиёсати мазмуни ва моҳиятига ёндашуви хусусида фикр айтиш ўринлидир. КПСС XXVIII съездининг ёшлар сиёсати тўғрисидаги резолюциясини маъқуллаган ҳолда, жумҳурият компартияси ўзининг ёшларга таъсирини ўтказишда Ўзбекистон ЛКЁИга таянади, у билан иттифоқ бўлиб, ғоявий ва сиёсий, ўртоқларча ҳамкорлик асосида ишлашини таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Шу билан биргаликда партия ВЛКСМ фаолларидан, комсомолда ишлаётган коммунистлардан сиёсий иттифоқликка қанчалик садоқат талаб қиларкан, комсомол ҳам ўз навбатида партия аъзоларидан ва партия қўмиталаридан комсомолларнинг ижтимоий-сиёсий мустақилликлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашларини кутишга ҳақлидир. Биз ўзаро хабардорлик, ўзаро сиёсий масъулиятлик асосида, маъмуриятчилик ва буйруқбозликдан қутилган ҳолда ишлашимиз лозим. Партия билан муносабат масаласида бошқа йўл тутишни, бизнинг назаримизда, бугун ҳожати йўқ.

Компартия ва комсомол ҳамкорлигини янги сифат даражасига кўтармоқ лозим: энди сиёсий шиорлардан ёшлар манфаатлари йўлида ижтимоий яратувчилик сари ўтиш даври келди. Бу Ўзбекистон Компартияси XXII съезднинг ижтимоий ҳаракатномасига, комсомолларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йўлига баайни мос тушади. Бизга мисол учун ёшлар ижтимоий хизматини тузиш, ёш истеъдодлар фондлари комсомол иқтисодиёти системасида янги иш жойларни очиш борасида меҳнат жамоалари, советларнинг ёрдами жуда зарур.

Партия сиёсатининг ёшларни халқ депутатлари Кенгашлари, меҳнат жамоалари, касаба уюшмаси қўмиталаридаги вакиллиги масалаларида собитқадамлик кўрсатиши жуда ҳам лозим. Амалдаги вазиятни эса ҳеч қандай сўзлар билан ҳали таърифлаш мумкин эмас. Партия ва комсомол ташкилотлари ўртасида сайловбоп сиёсий иттифоқ бўлмади. Илгарилари «керакли» даражадаги ўринлар олдиндан ҳал қилиб қўйилган бўларди, энди эса комсомол ҳар бир вакили учун ёлғиз ўзи курашишга мажбур бўлаяпти.

Марказқўмнинг Ўзбекистон Компартияси XXII съездига қилган маърузасида партия қўмиталари қошида, жумладан жумҳурият Марказқўми қошида ҳам ёшлар билан ишлаш кенгашлари, комиссиялари тузиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бу халқ депутатлари Кенгашлари, ёшлар комиссиялари ва қўмиталари орқали ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ёрдам берган бўлурди. Бу ишга ақл-фаросат билан ёндашилмас экан, биз яна орқада қолиб кетаверамиз. Бизга партия ва комсомолнинг барча миқёсларда доимо демократик ва ошкора ҳамкорлик қилиши зарур. Шунинг учун биз Ўзбекистон Компартиясининг янги состави комсомол ва ёшлар масалалари бўйича жумҳурият комсомол МҚси билан қўшма Пленумини ўтказишга имкон топади деб умид қиламиз.

Ҳозирги пайтда у ёки бу даражада ўзини партияга қарши қўювчи кучларнинг ёшларга сиёсий ва ғоявий таъсир қилишга уринишларидан кўз юмиб бўлмайди. Улар ёшлар онгига Совет Иттифоқидан чиқиш, капитализмга қайтиб ҳам «жаннатда» яшагандек яшаш мумкин, мисол учун мана Туркия, Қувайт, Малайзия дейишмоқда. Лекин улар Компартиянинг жумҳуриятни миллий ва давлат мустақиллиги тўғрисидаги ғоясини бузиб талқин қилишади. Компартиянинг, бизнинг назаримизда, энг муҳим мафкуравий йўли-ёшларни социалистик миллий тарбияси бўлмоғи лозим. Бу дегани ёшларда социалистик ғоялар призмасидан ўтказилган ҳолда миллий ва халқ қадриятларини авайлашни тарбиялашдир. «Наврўз» байрамининг қайтиши бу йўлдаги дастлабки ишдир.

Ижтимоий ҳаётдаги барча ҳодисотлар ёшлар оламида ҳам ўз аксини топади.

Шунинг учун партиянинг фақат комсомол билангина эмас, барча ёшлар ҳаракатлари билан алоқа қилиши тарафдоримиз. Бунда бир нарсани назардан қочирмаслик керак — ёшлар харакатида социалистик йўл тутган ташкилотлар энди оёққа тураяпти, коммунистик ғоя тарафдори эса ёлғиз комсомолнинг ўзи. Партия ёрдамида барча даражадаги кенгашларда ёшлар маслаҳат кенгашлари таъсис этилса, у бизнинг Конституциямизни тан олувчи барча ёшлар оқим, ташкилот ва гуруҳларни тенг ҳуқуқлилик асосида бирлаштиришга хизмат қилган бўлурди. Бу ерда ёшларнинг гражданлик масъулиятини ривожлантиришнинг улкан имкониятлари бор.

Сизларга маълумки, ўтган Пленумда биз жумҳурият комсомолининг съездини ўтказиш муддатини 1990 йилнинг декабри — 1991 йилнинг феврали орасида ўтказиш ҳақида гапиргандик. Ҳозир эса Марказий Қўмитага съезднинг муддатини тезлаштириш тўғрисида кўплаб истаклар тушмоқда. Бу тўғридаги таклифлар бир қатор вилоят, шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталарининг пленумларида қабул қилинди. Ўзбекистон ЛКЁИ МҚси Бюроси барча таклифларни ва съездни тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий жиҳатларни чуқур ўрганиб чиқиб, уни ноябрнинг учинчи декадасида ўтказишни таклиф қилади.

Биз шундан келиб чиқамизки, съездда Ўзбекистон ЛКЁИнинг янги аниқловчи ҳужжатларини қабул қилиш учун, комсомол ташкилотларида бу ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасини ташкиллаштириш зарур. Шунингдек, съезд делегатлигига номзодлар кўрсатишда демократик ва ошкоравийликни таъмин этиш муҳимдир. Буларнинг ҳаммасини 1,5—2 ой мобайнида шошма-шошарлик билан қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, съезднинг ҳаддан зиёд вақтли ўтказилиши, унга тайёргарликда талабалар ва ўқувчилар иштирокини деярли узиб қўяди. Чунки улар ҳозир меҳнат бирлашмаларида ишламоқдалар, ёзги таътилдалар.

Бизга шундай туюлаяптики Ўзбекистон комсомолининг 1990—1993 йилларга белгиланган ҳаракат дастури съезднинг ҳаракатномавий ҳужжатига асос бўлиши керак. Бу ҳужжат «Комсомол Совет Ўзбекистонининг гуллаб яшнаши ва мустақиллиги учун» деб номланса тўғрироқ бўларди. Бу ҳужжат Ўзбекистон ЛКЁИ ҳамда ёшларнинг ҳозирги босқичдаги ривожланиши йўлларини ўз қамровига олган бўлиши лозим. Дастурларнинг бош қисмида жумҳурият комсомолининг ғоявий ва сиёсий асослари ўз аксини топса аъло бўлур эди.

Биз ВЛКСМнинг ҳаракат мақсадлари, унда асосий мазмун касб этган: иштирок-ривожланиш-тинчлик учун овоз берар эканмиз, шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, уларнинг асосий мазмуни Ўзбекистон ЛКЁИда шаклланаётган ҳаракат-интилишларга тўғри келади.

Иштирок деганда комсомолнинг иттифоқ ва жумҳуриятимиздаги турли хил жамият сиёсий ҳаётида фаол қатнашувини тушунмоқ лозим. Яна ёшлар муаммоларини ҳал этишга тааллуқли партия, давлат ҳамда барча даражадаги ижтимоий-сиёсий қурилмалар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комсомолнинг иштироки кўзда тутилганлиги акс эттирилган. Бу ерда бизнинг имкониятларимиз совет органларидаги ваколатимиз билан характерланади. Ўзбекистон Компартиясининг Марказий сайлов органларида комсомол 3 ўринга эга, вилоят, шаҳар, ноҳиялар партия ташкилотлари сайлов органларида юзлаб ўринларга эгамиз. «Катта» сиёсатда комсомолнинг улуши бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида жамиятда шундоқ ҳам кўп нарсалардан бенасиб бўлган қатлам ёшларнинг аниқ ижтимоий ҳимояси кафолатини тузишда кўринади.

Ривожланиш деганда ёшлар сиёсатини амалга оширишда унинг мазмуни ва асосий механизмларига нисбатан комсомолнинг ўз йўли тушунилади. Бунда жойларнинг ўзига хос томонлари, миллий, тарихий ва ижтимоий-маданий жиҳатлар ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг VII Пленумида биз иш моҳиятимизни аниқлаб олгач, Ўзбекистон ССРнинг «Давлат ёшлар сиёсатининг асосий бошланишлари ҳақида», «Иш билан бандлик ҳақида»ги қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқишга ҳаммамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Гарчи ҳозирча тажриба даражасида бўлсада, жумҳуриятимизнинг айрим регионларида ёшларнинг ижтимоий хизматини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этишни мақсад тарикасида белгиласак тўғрироқ бўлур эди. Ўзбекистон ССРда ёшлар сиёсатининг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифларимиз Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ Бюросида, ЎзССР Олийи Шўросининг иккинчи сессиясига расмий хат тарикасида баён этилган.

Бугун биз ёшларда эски ўзбек ёзуви, анъанавий шарқ маданияти, қадимги тарихга қизиқиш кучайганлигига шоҳидмиз. Шубҳасиз, жумҳурият комсомоли учун авлодларнинг маънавий меросини ўрганиш энг муҳим мақсадлардан бири бўлиши керак. Биз ўз нашриётимизни, Ўзбекистон ЛКЁИ МҚнинг органларини ана шу ишга йўналтиришимиз зарур. Шунингдек радио ва телевидение ёшлар редакциялари, ижодкор ёшлар ва ёшлар марказлари билан ҳам ана шу йўналишда иш олиб боришимиз лозим.

Лекин ҳаммасидан кўра ёшларни жаҳон фан-техника маданиятидан бебаҳра қилиб қўймаслик керак. Улуғбек фонди, зиёли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди — бизнинг жумҳурият партия Марказий Қўмитаси билан умумий ишимизнинг бошланиши десак хато бўлмас. Имкониятлардан, ЕФТИ тармоқларидан унумли фойдаланиш билан биз халқнинг ичичидан иқтидорларни кашф этишга шарт-шароит яратишида кенг иштирок этишимиз мумкин. Жумҳуриятимизда бу хайрли ишга маблағ топилмаслигини тасаввур этиш қийин. Ўзбекистон комсомоли МҚ Бюроси Улуғбек фонди учун 50 минг сўм ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Жамиятни қайта қуришда комсомол тинчлик, тараққиёт, барча умум-сиёсий кучларнинг инсоний ҳамкорлигига ўз ҳиссасини қўшиш учун интилаётганлиги ҳатто жаҳон миқёсида ўз ифодасини топмоқда. Жумҳуриятимиздаги ижтимоий тинчлик турли тўқнашувлар ахлоқий ва жисмоний мўътадиллашмаган ёшларнинг оммавий тартиббузарликларини келтириб чиқармоқда. Бундай ёшлар ана шундай кўнгилсизликларнинг қурбони бўлишмоқда.

Бундан бир йил муқаддам VI Пленумда биз Фарғона воқеаларидан таҳликага тушгандик, баҳорда — VII Пленумда Бўка ва Паркентдаги воқеалардан азобландик. Бугун эса Андижондаги тўлқинлар, Ўшдаги келишмовчиликлар оқибатлари ҳақида хотиржам гапиролмаймиз. Биз ўз ҳаракат дастуримизда ёшларнинг ҳаёти, саломатлигига тааллуқли масалаларда тинч, ижодий йўлни аниқ ифода этишимиз зарур. Бу масалалар миллатлараро келишмовчилик, Куролли кучлар хизматига чақириқ, — экологик муаммолар ва бошқа масалалар билан боғлиқ бўлганда олдимизга қўйилган вазифага янада ойдинлик киритади.

Биз Москвада ВЛКСМнинг XXI съездида, Устав қотиб қолган нарса эмас, у якуний эмаслигига келишиб олдик ва бу «ВЛКСМ Устави тўғрисида»ги резолюцияда ўз ифодасини топди. Федерация субъектига, шунингдек Ўзбекистон ЛКЁИга ҳам комсомол тараққиётига ўз нуқтаи назарини ифода этувчи Уставлар, норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган. Зарурат туғилган тақдирда иттифоқ Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ўртага ташлаш ҳам мумкин. Бизнинг съездимизга жумҳуриятимизда ВЛКСМ Уставидан Ўзбекистон ЛКЁИ Уставининг устунлиги ҳақидаги таклиф киритилишига имконият яратилади. «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномалари саҳифаларида бу борада қатор материаллар эълон қилинди. Уларнинг замирида жумҳурият комсомоли Устави лойиҳасига турлича ёндашишлар ётади. Бу ана шу масала юзасидан мулоқотлар бошланганлигини билдиради.

Бизнинг Уставимиз Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолиги, комсомолларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масалаларини, тўпланган тажрибани ҳисобга олган ичкииттифоқ демократияси механизми мазмунини аниқ-лўнда қилиб белгилайди, деб ўйлаймиз. Иттифоқимизнинг асосий қурилма бирлиги сифатида вилоят комсомол ташкилотини белгилаш тўғри бўлур эди. Шубҳасиз, ҚҚАССР комсомол ташкилотига кенгроқ даражада мухторлик берилади, албатта. Иттифоқ Уставини такрорламаган ҳолда бизга комсомол ташкилотларининг мулки, ноҳия, шаҳар, вилоят, касаба иттифоқлари ва бошқаларда бошланғич ташкилотлар бирлашувининг механизми ва шарт-шароитлари масалаларини аниқлай олишимиз керак бўлади деб, ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон комсомоли МҚ Бюроси «Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий қўмитаси тўғрисида», «Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ Бюроси ва котиблари ҳақида» (унда мазкур қурилмалар шаклланиши тартиби, функцияси ва ваколатлари аниқланади), «Ўзбекистон ЛКЁИнинг ВЛКСМ билан ўзаро муносабатлари тўғрисида» (биз қандай масалаларда ВЛКСМ Марказий органларига вакил сайлашимизни ҳал этишимиз керак), «ВЛКСМ ва Ўзбекистон ЛКЁИ ҳисоби тўғрисида», «Ўзбекистон ЛКЁИ ва жумҳурият кашшофлар (пионер) ташкилоти ҳақида», «Ўзбекстон ЛКЁИнинг оммавий ахборот воситалари ва нашриёт фаолияти тўғрисида» махсус резолюцияларни тайёрлаш ва съездга киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

ВЛКСМ XXI съездининг жиддий камчиликларидан бири, бизнингча унинг ижтимоий йўналишининг тўла эмаслигидир. Бу ёшлар эҳтиёжларига жуда оз даражада йўналтирилган. Натижада съезд делегатларнинг сиёсатбозлик тарафига ўтиб кетишларига олиб келди. Шунинг учун Марказий Қўмита Бюроси съезд бошлангунга қадар Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг ёшлар ишлари бўйича Қўмитаси билан биргаликда «Ўзбекистон ССРда Давлат ёшлар сиёсати тўғрисида» Қонун лойиҳасини тайёрлашни таклиф қилади.

Бу Қонун XXIV съездда муҳокама этилгандан сўнг матбуотда эълон қилиниши ва билдирилган эътироз ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда 1991 йилнинг ўрталарида биринчи ўқиш учун ЎзССР Олий Шўросининг сессиясига киритилиши мумкин бўлур эди.

Съезд қабул қилинган Ҳаракатномавий мақсадлар, ВЛКСМ Устави ва моҳиятига кўра комсомолнинг ривожланиш босқичига ўтиш даврига мўлжалланган. Бу комсомолнинг босқичма-босқич иттифоқ федерациялари тариқасида янги сифат касб этиши учун шарт-шароит яратади. Асосийси, ҳозир Ўзбекистон ЛКЁИнинг мақоми принципиал тарзда ўзгарди ва биз учун Ўзбекистон ЛКЁИ тараққиётида янги имкониятлар очади. Уларнинг кўпларини навбатдаги XXIV комсомол съездини кутмасданоқ бажаришга киришиш мумкин.

Сизларга тақдим этилган Пленумнинг ВЛКСМ XXI съездидан кейин «Ўзбекистон комсомолини ривожлантиришнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари» резолюция лойиҳасида муқобил чора-тадбирлар пакети ифода эттирилган. У жумҳуриятда ёшлар сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон ЛКЁИ МҚни фаол ролини таъминловчи тадбирлардан иборат малака ошириш институтини ёшлар институти қайта профиллаштиришни, унинг базасида Илмий тадқиқот Маркази, Ёшлар муаммолари, ёшларнинг ижтимоий хизмати ходимларини тайёрлайдиган, озчилик ёшлар ишлайдиган корхоналар учун мутахассислар тайёрлайдиган курслар очиш масалаларини кўриб чиқишни таклиф этади.

Ёшлар қизиқишларининг юқори даражада қондирилишидан манфаатдор бўлган, Ўзбекистон ЛКЁИ бугун жумҳуриятда ёшлар ҳаракатига янада фаол улуш қўшиши керак. Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг ҳанузгача аниқ мустақилликка эга эмаслигини, мўътадил ҳол деб ҳисоблаш мумкин эмас. Шунинг учун Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ Бюросига ёшларнинг программа мақсадларини амалга оширишда Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳасини тайёрлаш ва ЎзССР ЁТҚнинг умумий йиғилишига киритишни топшириш таклиф этилади.

ВЛКСМ XXI съезди қабул қилган «Комсомол ва кашшофлар ташкилоти» резолюциясини қўллаб-қувватлаш билан бирга биз бугун В. И. Ленин номидаги жумҳурият кашшофлар ташкилотининг мустақил шаклланишини ташкиллаштириш учун, Ўзбекистон ЛКЁИга келиб қўшиладиган болалар ва ўсмирларни бирлаштирувчи, шунингдек улар билан касаба ёки умумий бошланғич жамоаларда ишлайдиган катталарни бирлаштириш ва ташкилотнинг манфаатлари учун гапиришимиз мумкин бўларди.

Мана шундай қилганда кашшофлар ва комсомол ташкилотлари ҳамкорлиги битим асосида қурилган бўлур эди. Бундай битимларда биз марказий сайлов органларида ўзаро ваколатларимиз кафолатига эришган, кашшофлар ташкилотига моддий-техник ва маблағдан мунтазам равишда ёрдам кўрсатган, «Ленин учқуни» «Пионер Востока» рўзномалари, «Гулхан» жаридасидан тушган маблағларни ташкилотнинг ўзига ўтказган бўлур эдик.

XXI съезд, ВЛКСМ МҚнинг Пленуми қарорлари бизга ВЛКСМ аъзолари ҳисоби, комсомол ташкилотларида ҳужжатлар билан ишлашнинг янги, илғор усулларига қадамба-қадам ўтиш имконини берарди. Муқобил ҳужжатлар лойиҳаларини съездолди мунозараларида муҳокама қилиш ўринли бўлур эди.

ВЛКСМ МҚсининг сўнгги Пленумида тасдиқланган ВЛКСМ аъзоларини аъзолик бадаллари тўғрисидаги низомдан вақтинча фойдаланиб туриш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда Ўзбекистон ЛКЁИсининг ҳам ўзининг комсомол аъзолик бадаллари тўлаш тўғрисидаги низомини ишлаб чиқиш вақти келди.

Ўзбекистон ЛКЁИни ривожлантиришнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари ҳақида гапирганимизда, биз қардош иттифоқлар ёшлари, хусусан регионимиз ёшлари билан мустаҳкам ўзаро алоқаларсиз ҳақиқий ривожланиш бўлмаслигини жуда яхши тушунамиз. Бундан икки йил аввал имзоланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ЛКЁИларининг ҳамкорлик тўғрисида битимларига янгича сифат бериш масаласи пишиб етилди.

Шу йилнинг 21—23 июнь кунлари Олмаота шаҳрида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг учрашуви бунинг учун зарурат туғдиради. «Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР раҳбарларининг баёноти», иқтисодий фан-техника ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро келишув, тарихий қарор топган алоқаларимиз ривожини таъминлайди, халқларимиз ўртасига нифоқ солмоқчи, ёшларимизни бир-биридан ажратмоқчи бўлганларга катта, синмас тўсиқни юзага келтиради.

Биз жумҳуриятимиз коммунистик ёшлар иттифоқларининг янада мустаҳкам ҳамкор ишлашларида ташаббусни ўз зиммамизга олсак яхши бўларди. Бу ҳамкорлик айниқса маданият, спорт, ёшлар сиёсати ва иқтисодиётида ўз ифодасини топиши мумкин. Бу Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ЛКЁИнинг доимий ҳаракатдаги маслаҳат кенгаши тузишга мувофиқ келар эди.

Ўртоқлар!

Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси Бюросининг жумҳурият комсомолини ривожлантиришнинг биринчи даражали тадбирлари деб билган асосий масалалари асосан шулар. Тўғри, ажратилган қисқа вақт ичида бир маърузада бундай долзарб ва муҳим ишнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олиш қийин. Шунинг учун ўйлайманки, маъруза юзасидан сўзга чиқадиган ўртоқлар уни ҳар жиҳатдан тўлдирадилар, амалий, ҳаётий фикр-мулоҳазалар билан бойитадилар. Фақат шундай қилсаккина биз жумҳурият комсомолининг келажак йўлини аниқ-равшан белгилаб оламиз ва охир-оқибат уни ҳозирги ночор аҳволдан олиб чиқа оламиз.

Мен бунга ишонаман ва сизларни ҳам мана шу ишонч сари бутун куч-эътиқодингизни сарфлашга чақираман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Хорижлан хабарлар

СЎНГГИ СОАТДА

София. Махсус жамоатчилик комиссиясининг Георгий Димитров жасадини кўмиш тўғрисидаги қарорини Болгариянинг ҳамма ерида ҳам бир хил қабул қилмадилар. «Дума» рўзномасининг ёзишича, хабар эълон қилиниши биланоқ муштарийлар ўз норозиликларини билдириш мақсадида редакцияга телефон қила бошлаганлар. Фашизм ва капитализмга қарши жангчилар уюшмасининг марказий кенгаши Болгар халқига мурожаат қилиб, бу қарорни бажаришдан аввал, мамлакат халқининг фикрини аниқлаб олишга чақирди.

Айни вақтда БТА ахборот агентлиги Г. Димитровнинг ўғли — БХР Ташқи ишлар вазири Бойко Димитровнинг Баёнотини тарқатди. Унда Болгария ва халқаро ишчи ҳаракати атоқли арбобининг оиласи жамоатчилик комиссияси таклифини қўллаб-қувватлаётганлиги айтилади. Б. Димитров инсонни дафн этиш масаласи унинг қариндош-уруғлари томонидан ҳал қилиниши кераклигини уқтиради. Болгар халқ анъаналари ҳам шундай. Худди шундай қилиш керак, зотан Г. Димитровнинг оиласи 1949 йилда бундай имкониятдан маҳрум этилганди. Комиссиянинг эълон қилинган қарорида «бизнинг дахлсиз инсоний ҳуқуқимиз ниҳоят ҳисобга олинган», деб таъкидлайди Бойко Димитров.

Варшава. Польша Сейми иқтисодий қонунчиликда янги саҳифа очди. Давлат корхоналарини хусусий фирмаларга, кооперативларга, тижорат жамиятларига, аралаш мулкли ширкатларга айлантириш учун катта имконият берадиган хусусий мулк тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Мамлакатнинг ўз маблағларига эга бўлган ҳар қандай фуқароси акцияларга эга бўлиши мумкин. Ҳозирги оғир шароитда уларни сотиб олишни енгиллаштириш учун акцияларнинг бир қисми қарзга сотилади. Қонун мамлакат барча фуқаролари ўртасида кредит қоғозлари деб аталган акцияларни сақловчига текинга олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни тақсимлашга имконият яратади.

Будапешт. Венгрияда иқтисодиёт аҳволини яхшилашга доир ҳукумат тайёрлаган таклифлар мажмуи кучга киради. Бу таклифлар мажмуига кўра, бир қанча молларнинг нархи ўрта ҳисобда 20-30 фоиз қимматлашади. Венгрия жумҳурияти вазирлар кенгашининг бу ерда бўлган мажлисида шу ҳақда қарор қабул қилинди.

Айни вақтда ҳукумат ушбу таклифларни оппозиция қаттиқ танқид қилганидан сўнг парламентдан чиқариб олишга мажбур бўлганлиги сабабли, вазирлар кенгаши мазкур тадбирларни парламентнинг мададисиз ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ласло Балаж ҳукуматининг вакили ушбу қарорни шарҳлар экан, парламент нарх-наво сўзсиз кўтарилиши учун масъулиятни зиммасига олишдан воз кечганлигини тушуниб бўлмайдиган ва кулгили ҳол деб атади, оппозициянинг тактикасини номақбул тактика сифатида таърифлади. У «нокамтарин» материаллар босиб чиқараётган венгер матбуотини ҳам қаттиқ танқид қилди.

Вашингтон. Бу ерда АҚШ Президенти Жорж Буш ва Колумбиянинг сайланган президенти Сесар Гавириа ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Қора дориларга қарши курашни кучайтириш ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бу музокараларда асосий ўринни эгаллади.

Август ойида президентлик лавозимини расман бажаришга киришадиган Гавириа учрашув тугаганидан сўнг журналистларга Бушга мурожаат этиб, уни ўз мамлакатида қора дориларга бўлган эҳтиёжини камайтиришга чақирганлигини маълум қилди. «Қора дориларга бўлган эҳтиёж — қора дори билан савдо-сотиқ қилувчи муаммо мавжудлигининг асосий сабабидир, — деди у. — АҚШ ва саноати ривожланган бошқа мамлакатлар эҳтиёжини камайтириш йўлларини топа олишмаса, биз бу муаммони ҳал қила олмаймиз. Гавириа Колумбия АҚШнинг ҳарбий ёрдамига муҳтож эмаслигига шама қилди.

(ТАСС).



Булғориянинг София шаҳрида ташкил этилган «Тинчлик байроғи» Болалар Ассамблеяси ўн ёшга тўлди.

Суратда: Ассамблея аъзолари «Тинчлик байроғи» ёдгорлиги олдида.

СОФИЯ-ПРЕСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЛИЛИПУТНИНГ ҒАЗАБЛАНИШИ

● АМЕРИКАЛИК ЦИРК АРТИСТИ Кристофер Торнтон ўз хўжайинини судга берган. Гап шундаки, Торнтон лилипут бўлиб унинг лақаби Лемур бўлган. Лекин яқинда унинг хўжайини унинг лақабини Гига (грекча «гигас» — гигант) деб ўзгартирган. Ҳатто янги ном билан афиша ҳам чиқарилган. Торнтон бўлса буни ўз шаънига ҳақорат, устидан қулиш деб тушунган. Судья артистнинг даъвосини тўғри деб топган ва хўжайинга маънавий зарар етказгани учун пул жаримаси белгилаган, деб ёзди ГФЖнинг «Вельтам зоннтаг» рўзномаси.

ҲАВО ШАРИДАГИ САЁҲАТ

● ҲАВО ШАРЛАРИДА УЧИШ америкаликлар орасида жуда оммалашган. Тажриба ўтказувчилар сони эса йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Улардан бири касби ҳайдовчи бўлган 33 ёшли Лэрри Уотерс Сан-Педро шаҳрида яшайди. У метеорология шарларидан 45 тасини олиб оддий креслога боғлаган ва уларни гелий билан тўлғизиб анча юқорига кўтарилган. У борйўғи 3 километрга учиб борган, ўз тажрибаси ҳақида эса ҳеч кимга оғиз очмаган ва огоҳлантирмаган. Уни осмонда икки бор тайёра уриб кетай деган.

Ҳокимият унинг бу учишини ҳаво йўли қоидасини бузиш деб топди ва кашфиётчини тўрт минг доллар жарима билан «мукофотлади».

КЎЛДАГИ МАВЖУДОТ

● АҚШ ПОЙТАХТИ ВАШИНГТОНдан унча узоқ бўлмаган жойдан кўл ёнидан ўтиб кетаётган кўплаб йўловчилар сувда тез-тез ажойиб бир мавжудот борлигини кўриб туришган.

Узоқ вақт бу ҳақда худди Шотландиянинг Лох-Несс кўлидагидака сирли мавжудот бўлса керак, деб юришди. Лекин бу жумбоқнинг сири тўлқинлар сирли мавжудотнинг ўлигини кўл қирғоғига чиқариб ташлагандан кейингина маълум бўлди. Бу узунлиги деярли тўрт метр ва оғирлиги тўрт юз килограммдан ортиқ бўлган баҳайбат олабуға балиғи экан. Ихтиологларнинг фикриларига кўра, бу балиқ кўлда 80 йилдан ортиқ яшаган, деб хабар беради Чехословакиянинг «Люд» рўзномаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ДАМИНОВ Турғунпўлат Обидович.
КАРИМОВ Ҳамид Ёқубович.

Уларнинг тақдирлари бир-бирига ўхшаш, ўзаро туташ: икковлари ҳам 1941 йилда туғилишган. 1958 йили ўрта мактабни олтин медаль билан битириб, ўша йилиёқ Тошкент Давлат тиббиёт институтига киришган. Ҳамиджон даволаш, Турғунпўлат педиатрия куллиётига. Ҳар иккиси институтни имтиёзли диплом билан битирган.

Меҳнат фаолиятларини бир вақтда бошлашган. Муваффақиятлари ҳам бир-бирларига монанд. Стажер, аспирант, ассистент, доцент, профессор, кафедра мудири...

Ҳар икковлари талабалик йилларида ва кейин ҳам институт комсомол ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашишган. Курс, куллиёт, комсомол қўмитаси котиби бўлишган. Бириси кўпроқ муддатга, бириси камроқ. Масалан, Турғунпўлат Обидович 6 йил институт комсомол қўмитасини, 10 йил партия қўмитасини бошқарган. Охирги етти йил ичида Ўзбекистон педиатрия илмий-текшириш институти директори бўлиб ишлаган. Ҳамид Ёқубович эса бу орада (1977—1979) Гвинея жумҳурияти дорилфунунида табиий (физиология, фармакология, паталогик физиология...) фанлар кафедрасида мудирлик қилган, француз тилида лекциялар ўқиган. Шунингдек, ТошДМИда декан ўринбосари, декан, чет эллар билан илмий алоқа қилиш бўйича проректор, сўнгги бир ярим йилда эса ТошДМИ Марказий илмий-текшириш лабораторияси раҳбари бўлиб ишлаган.

Бугун уларга янада масъулиятли вазифа топширишди. Энди Даминов Турғунпўлат Обидович ТошДМИ-1, Каримов Ҳамид Ёқубович ТошДМИ-2 ректори.

Куни кеча икки ўртоқ редакциямизга ташриф буюришди. Кўрсатилган юксак ишонч билан уларни табриклаб, муштарийларимизни қизиқтирган бир неча саволларга жавоб беришларини илтимос қилдик.

Саломатликдан катта бойлик йўқ



— Бир институт замирида икки институт ташкил этилди. Нега? Институтни бошқариш қийин бўлиб қолгани учунми ёки кўпроқ мутахассислар тайёрлаш мақсадидами?

Ҳамид КАРИМОВ:

— Умуман олганда, институт жуда йириклашиб кетган эди. Беш ярим мингдан зиёд талабалар, шунингдек, ўқитувчиларнинг деярли ярмидан кўпроғи институтнинг бир бўлаги жойлашган Шифокорлар шаҳарчасида истиқомат қилишади. Бинобарин, институт эски биносига қатнаш учун эрталаб икки соат, дарсдан сўнг икки соат йўл босиб жуда катта вақтни сарфлашга мажбур бўлар эдилар. Боз устига ҳар бир курсда 1500—1700 талаба бўлиб, уларга сабоқ бериш ҳам тобора қийинлаша борди. Бундан ташқари кафедралар ривожланмай қолди. У ердаги аҳвол бундан йигирма йил аввал, худди биз ўзимиз ўқиган даврдагидек савияда эди. Юзага келган мураккаб вазият алоҳида бир шароит бўлишини тақозо этиб қолди. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳрида иккита тиббиёт институти ташкил этилиши тўғрисида Ўзбекистон ҳукумати қабул қилган қарорни айни муддао бўлди, деб биламиз.

Турғунпўлат ДАМИНОВ:

— Институт икки жойда бўлишидан ташқари кўпгина кафедралар шаҳардаги клиникалар қошида жойлашган. Талабаларнинг кафедраларга қатнаши, деканат ходимларининг кафедралар ишини назорат қилиши амалда мумкин бўлмай қолди. Группаларда, курсларда, факультетларда талабалар сонининг кўп бўлиши мутахассислар тайёрлашнинг сифат жиҳатларига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганди.

Бундан буён ўйлаймизки, ҳар бир ўқитувчи кам сонли талабалар билан шуғулланиш имконига эга бўлади. Кафедралар иши эса ривожлантирилади. Келажакда эски медицина институти кенгайтирилиб ётоқхоналар, ўқув машғулотлари учун янги корпуслар қурилади.

Дарвоқе, бўлиниш ҳақида бир оғиз сўз. Ҳеч бир томон бу бўлинишдан ютқазмади, ҳаммаси тенглик асосида амалга оширилди. Агар 1-тиббиёт институтида даволаш ҳамда стоматология куллиётлари фаолият кўрсатса, 2-чи тиббиёт институтида эса талабалар даволаш ва санитария-гигиена куллиётларида сабоқ чиқарадилар.

Ҳ. К.:

— Иккига бўлинишдан айниқса стоматология ва санитария-гигиена куллиётлари ютганлигини таъкидлашни истардим. Авваллари бу куллиётларга худди иккинчи даражадаги нарсага қарагандай муносабатда бўлинарди. Мана энди санитария-гигиена куллиётида тери-таносил ва юқумли касалликларни даволовчи шифокорлар, шунингдек, иммунолог мутахассислар ҳам тайёрланади.

Т. Д.:

— Бу куллиётлар жуда эзилиб қолганини мана, Абдумажид билади. У санитария-гигиена факультетини битирган. Хабари бор. Энди шубҳасиз, бу факультетлар ҳам ривожлантирилади. Лекин бу эртагаёқ ҳамма нарса ўзгариб қолади деган гап эмас. Бунинг учун янада қаттиқроқ ишлашимиз, меҳнат қилишимизга тўғри келади.

— У ёки бу институтнинг ташкил этилиши албатта катта ташкилий масалаларни ўртага кўндаланг қўяди. Янги кафедралар очилади ёки мавжудлари иккига бўлинади. Бу қийинчиликлар ўқув йилигача ҳал бўлади, деган умидворлик борми, сизларда?

Т. Д.:

— Ректор бўлиб тайинланганимизга энди ўн беш кун бўлди. Мана шу қисқа фурсат ичида вазиримизнинг биринчи муовинлари бошчилигидаги нуфузли комиссия, ноҳия, шаҳар фирқа қўмиталари жуда катта тадбирий ёрдам бердилар.

Ҳар икки институт учун кафедралар тенг бўлинди. Ҳамид Ёқубович билан ўзаро кафедра мудирлари ва ўқитувчилар таркибини ўрганиб чиқдик. Мувозанат теппа-тенг.

Чунки, биринчидан, ТошМИда кадр масаласи жуда яхши. Шундай кафедралар борки, кафедра мудири ҳам, унинг яна икки шогирди ҳам профессор.

Бўлиниш жараёнида истеъдодли ёшларга, таъбир жоиз бўлса, мустақиллик берилди, яъни конкурс асосида уларга кафедра мудири, доценти бўлиш имконияти яратилди.

Юқорида кафедра мудирлиги таркиби бир хиллигини айтиб ўтгандик. Исбот учун шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, масалан, 2-чи тиббиёт институтидаги кафедраларга вазиримиз муовинлари профессор Ш. И. Каримов, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Т. И. Искандаров, профессор Ш. Ш. Ҳамроев ҳамда ЎзФА академиклари Ў. А. Орипов, Р. А. Каценович мудирлик қиладилар.

Бизнинг 1-чи тиббиёт институтимизда ҳам кафедраларни обрўли, кўзга кўринган олимлар: академик К. А. Зуфаров, профессорлар У. А. Асқаров, К. Н. Нажмиддинов, У. Б. Зокиров, В. Н. Епишев каби устоз домлалар бошқарадилар.

Аммо айни вақтда айрим кафедраларимиз борки, унга профессор мудирлик қилсада, бу ерда унга ўринбосар бўладиган истеъдодли ёшлар йўқ. Масалан, кўз касалликлари кафедраси. Бу кафедрада ҳатто доцент ҳам йўқлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Шунинг учун марказий шаҳарлар, ҳатто чет эллар билан ҳамкорлик асосида кадрлар тайёрлаш режаларимиз бор. Энди ўқув программалари хусусида: бу йилча ўзгариш бўлмайди.

Яна бир гап. Сўнгги пайтларда даволаш куллиётидаги машғулотлар ички касалликлар ва жарроҳлик кафедраларидагина ўтадиган бўлиб қолганди...

Ҳ. К.:

— Энди ана шу кафедраларда машғулот ўтиш уч босқичда амалга оширилади. Яъни, эски ҳолига қайтарилади.

Т. Д.:

— Учинчи курсларда ички касалликларни даволаш усуллари, 4-5 курсларда факультатив, 6-курсда госпиталь терапия, хирургия кафедраларида машғулот олиб борилади.

Ҳ. К.:

— Бу фақат бизнинг фикримиз эмас. Тажрибали домлаларимиз, илмий кенгашимиз аъзоларининг фикри ҳам шундай.

— Халқ таълими вазирлиги бу йил олтин ва кумуш медаль билан битирган йигит-қизларни институтларга имтиҳонсиз қабул қилинишини йўлга қўйди. Бу уларга билимли абитуриентларни йиғиб олиш имконини беради. Тиббиёт институтларида ҳам шу тажриба йўлга қўйилса бўлмасмиди?

Ҳ. К.:

— Бу мураккаб масала-ёв. Мана, ўтган йили Тошкент шаҳрининг ўзидан ўрта мактабни олтин медаль билан битирган, шунингдек билим юртларининг имтиёзли дипломини қўлга киритган 500 нафар йигит-қиз ҳужжат топширди. Ваҳоланки умумий конкурс учун 300 ўрин белгиланган эди. Агар сизлар айтган йўлдан кетилганда бошқа абитуриентлар ўз билимларини синаб кўриш имкониятидан маҳрум этилган бўлардилар-ку!

Т. Д.:

— Медалистлар тўғрисида гап кетишини билиб, 1989 йилги қабул тўғрисида ходимлардан менга шундай маълумот тайёрлаб беришларини илтимос қилгандим. Мана ўша маълумотлар: 743 медалист ҳужжат топширган. Улардан 93 нафари биринчи имтиҳондан «аъло», 214 нафари эса «2» баҳо олишган. Умуман олганда, медалистлардан 295 нафаригина ўқишга кирган. 743 та қаёқдаю, 295 та қаёқда?

Айрим медалистларни ўқишга кира олмаганликда айблаш ноўриндир, балки. Шошиб қолиб, саросимага тушиб ўз билимларини кўрсатолмаган бўлишлари мумкин. Лекин бош айбдор — мактаблардир. Чунки у ёки бу бола ўз мактабида синфдаги ўқувчиларга нисбатан яхши ўқиган бўлса, медаль бериб юбораверилган. Лекин унинг бошқа мактаб ўқувчиси билан билими қиёслаб кўрилганда, анча паст савиядалиги билиниб қолади.

Бундан ташқари, медалистларнинг ўзини қабул қилсак, унда ўрта медицина ходими бўлиб ишлаган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, ёки Афғонистонда, умуман Армияда жонини жабборга бериб хизмат қилган кишиларимизга ўқишга кириш насиб этмайди-ку. Бу эса адолатдан эмас. Мадомики шундай экан, келинг, яхшиси ёшларимиз ҳақиқий билимини синаб кўрсинлар, конкурсда қатнашсинлар. Бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Шунда биров-бировдан ўпкаламайди, ранжимайди.

— Мавжуд медицина билим юртларининг институт қарамоғида бўлиши ғоясига қандай қарайсизлар. Балки шунда ўрта мактаб — билим юрти — институт учлиги чинакам шифокорларни тайёрлаши мумкин бўлармиди?

Ҳ. К.:

— Менимча, жуда тўғри бўларди. Гвинея жумҳурияти дорилфунунида ишлаганимда шундай тажрибанинг гувоҳи бўлгандим. Уларда турли касбга оид лицейлар бор. Масалан, тиббиётга оид лицейни битирганлар тиббиёт мактабига ўқишга боришади. Уч йиллик бу ўқишни аъло баҳоларга битирганлар дорилфунуннинг тиббиёт куллиётига, имтиҳонсиз тўғридан-тўғри қабул қилинадилар. Тиббиёт мактабини паст баҳоларга битирганлар эса ўрта тиббиёт ходими бўлиб ишлайверадилар.

Ўйлайманки, бизда ҳам шунга ўхшаш касбга йўналтирилган мактаблар очилиб, ўшандай таълим жорий этилса, асло зарар қилмасдик.

Т. Д.:

— Менимча ҳам бўлғуси врачлар ўрта медицина билим юртини битириб келса, ёмон бўлмас эди. Маълумки, бизда саккизинчи синфни битириб, билим юртига борганлар ҳам ўрта маълумот эгаси бўлади, ҳам мутахассислик дипломини олади. Бунда (медицина билим юртларини назарда тутяпман) бошқа фанларга нисбатан тиббиётга оид машғулотлар кўп ўтилади. Чунки мутахассисликнинг ўзи айнан шундай ҳолни тақозо этади.

Авваллари билим юртини битирганлар уч йил кейинчалик эса камида бир йил иш стажига эга бўлиши шарт қилиб қўйилган эди. Энди эса билим юртини битирган йилиёқ ўқишга киришга рухсат этилди. Жуда бўлмаса, кечки куллиётларга кириши, 3-4 курсларда кундузги ўқишга ўтказилиши мумкин.

Мабодо ўқишга кира олмаганда ҳам ўрта медицина ходими сифатида ишлайверади, бунинг ҳеч уят жойи йўқ.

Лекин мени ташвишга солган нарса шуки, медицина билим юртларида ўғил болалар жуда кам. Медицина билим юрти деганда, кўпчилик ёшлар фақат қизлар ўқийдиган жойни тушунишади. Ҳамшира бўлиб юраман, деб ўйлашса керакда. Бунга, афсуски, билим юртлари қабул комиссиясидаги ўртоқлар, ўқитувчилар ҳам кўникиб қолганлар. Тарғиботни йўлга қўйиб, кўпроқ ўғил болаларни жалб қилишни ўйламайдилар ҳам. Менинг фикримча, шифокорлик соҳасига кўпроқ ўғил болаларни жалб этиш зарур. Ахир врач бўламан, деган йигит аввал ўрта медицина ходими, фельдшер бўлиб ишлаб кўрсин, беморлар билан мулоқотда тиббиёт соҳасида амалий маҳоратга эга бўлсин-да! Ана шундагина институтга киргач, ўқиши ҳам, машғулотларни ўзлаштириши ҳам осон кўчади. Яхши мутахассис бўлиб етишади.

Ўрта мактабни битирибоқ медицина институтига кириб, кейинчалик орадан сал фурсат ўтмай хафсаласи пир бўлиб, ўқишни ташлаб кетган қанчадан-қанча ёшларни биламиз ахир. Анатомия фани ўтилаётганда биринчи бор ўликни кўрган йигит ёки қиз қўрққанидан ранги оқариб ўзини ташлаб юборади. Айримлар қонни кўрса ҳам шундай ҳолатни бошдан кечиради. Зеро касалдан жирканмаган, беморга меҳрибон кишигина шифокор бўлиши мумкин.

— Хоразм, Фарғона каби вилоятларнинг айрим ноҳияларида медицина муассасалари қошларида тиббиёт касбини танлаш бўйича тўгараклар ишлаб турибди. «Средазкабель» бирлашмасининг Медицина санитария қисмида 10-синф ўқувчилари ўқишдан ташқари санитар бўлишиб ишлаяптилар. Уларнинг мақсади келажакда шифокор бўлиш. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тиббиёт институтига кириш чоғида уларнинг медицина муассасаларида ишлаганликлари назарда тутилиб, бирор имтиёз бўладими?

Ҳ. Қ.:

— Имтиёз бўлади, албатта. Яқинда ҳукуматимизнинг қарори чиққан. Унда шундай дейилади: ҳар бир корхона ўзида ишлаётган ёшларни ёки шу ерда ишлаётган ишчиларнинг фарзандидан ўзлари учун кадрлар тайёрлаш мақсадида олий ўқув юртларига юборишлари мумкин. Бунинг учун ўша корхона ёки ташкилот билан институт ўртасида битим тузилиши керак. Бу битимга кўра институтга ёки бошқа билим юртига белгиланган миқдорда пул ўтказган тақдирдагина, шартномада белгиланган бандлар амалга оширилади.

Т. Д.:

— Ўқувчилик йилларидаёқ шифокорлик касбига бўлган ўз қизиқишини амалий иш билан исботлашга ҳаракат қилаётган ёшлар ҳар қандай рағбатлантиришга лойиқдирлар. Чунки улар иш жараёнида бу касбнинг нақадар машаққатли эканлигини олдиндан билиб оладилар, кўзлари пишийди. Ўқишда, ишда ва ҳаётда олган тажрибалари асқотади. Агар улар «Тез ёрдам»дами, хирургия, реанимация бўлимларидами, касалхонадами санитар бўлиб ишласалар, имтиёз берилади, албатта.

Аммо масаланинг бошқа томонини ҳам унутмайлик. Айрим ота-оналар боласини институтга осонроқ «жойлаштириш» учун бирор жойга лаборант ёки санитар қилиб ишга киргизиб қўйиб, бир соат ёки ярим соат ишга келиб-келмай меҳнат дафтарчасига эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Шундай ота-оналар борки, фарзандини 0,25 ставкага санитарликка «иш»га киритиб қўяди. Меҳнат дафтарчаси очилади. Лекин фарзанд бир кун ҳам ишламайди. Энди бунақаси кетмайди. Ишлайдими ишласин: кечалари касалхонада оғир беморларга ёрдам берсин, навбатчилик қилсин. Қонуний жиҳатдан уларнинг ҳужжатларини олишимиз керак. Олмасак, дарҳол юқори ташкилотларга шикоят қилишади. Аммо бу масалада, менимча, биз ҳам жуда ҳушёр туриб, шубҳа туғилган заҳоти ҳужжат берган ташкилотга ўз эътирозимизни билдиришимиз, лозим бўлса, уни текширтиришдан манфаатдор эканлигимизни асло унутмаслигимиз керак.

— Жумҳуриятимизда турли касалликлар жуда кўпайиб кетганлиги энди сир бўлмай қолди. Ҳозирги суръатлар билан шифокорлар тайёрлаб чиқарадиган бўлсак, ҳали бери беморларни даволаб улгура олмаймиз. Шуни назарда тутган ҳолда талабалар қабул қилиш миқдорини кўпайтириш бўйича жумҳурият ҳукуматига мурожаат этиш тўғри бўлмасмикан?

Т.Д.:

— Ҳозирги кунда иттифоқ бўйича медицина олий ўқув юртларига қабул миқдори камайтирилаяпти. Лекин буни бизнинг музофотда қўллаб бўлмайди. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, шифокорлар сонини ошириб касалликни камайтириш ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Чунки касалликнинг кўпайиши бир қанча ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатларни ҳам эътиборга олишни тақозо этади. Еб-ичишининг тайини бўлмаган, витаминли овқатлар истеъмол қилмайдиган оилаларда, албатта, касаллик кўп учрайди.

Ўтказилган тажрибалардан шу нарса маълум бўлдики, касалликнинг кўпайишига 13 фоиз ҳолатда тиббиёт ходимлари сабабчи бўлса, қолганларида юқорида мен санаб ўтган ҳолатлар сабабчи экан. Устига устак, соғлом турмуш тарзи барчанинг тафкиридан жой олмаганлиги, қолаверса, аҳоли тоза ичимлик суви билан тўла таъминланмаганлиги ҳам шифокорларга ноўрин таъна-маломатлар келтираётир. Ҳамма нарсани ўз номи билан атасаккина, дардлардан халос бўлишимиз енгиллашади, деб ўйлайман.

— Кўпгина талабалар ҳам ўқийди, ҳам ишлайди. Модомики талабалар меҳнатига эҳтиёж бор экан, буни қонуний асосда, ташкилий масалаларни ўз зиммасига оладиган уюшмани институт қошида ташкил этса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикан?

Ҳ. Қ.:

— Бўлғуси шифокорларнинг дарсдан сўнг санитар, ўрта медицина ходими лавозимларида ишлашлари, албатта, ҳар жиҳатдан фойдалидир. Шу тариқа назарий билим ҳам мустаҳкамланади. Бундан ташқари, талабаларимизнинг бўш вақтлари беҳуда кетмайди. Ахир кўча-кўйда лақиллаб, бўлар-бўлмас нарсалар билан шуғулланиб юрган талабалардан келгусида яхши мутахассис кутиб бўларканми?

Институтнинг бўлиниши ва ётоқхоналарнинг машғулот ўтиладиган жойларга яқинлашуви келгусида талабаларимизни клиникаларга ишга жойлаштириш билан шуғулланишимизни ҳам осонлаштиради.

Т. Д.:

— Врач бўладиган киши биринчи галда ҳам назарий, ҳам амалий билимга эга бўлиши, шунингдек, умумий савияда ҳам бошқалардан бир поғона юқори бўлиши ҳам керак. Иккинчидан, шифокор бемор билан дилдан суҳбатлаша олмоғи, ўқитувчи, журналист каби маърузачилик маҳоратига эга бўлмоғи лозим.

Баъзи дўхтирларимиз бор. Бемор олдига кираётиб, қўполдан-қўпол қилиб сўрайди: «—Ҳа, қаерингиз оғрияпти? Нима бўлди?...» На салом бор, на алик. Бундай шифокор беморни касалдан фориғ этолмайди. Чунки бемор унга ишонмайди, унга дардини очмайди, беморда ўзига нисбатан меҳр уйғотмай туриб, шифокор яхши натижага эриша олмайди.

Ҳ. Қ.:

— Илгари мажлисларимиз, йиғилишларимизнинг ҳаммаси рус тилида ўтказиларди. Лекциялар ҳам. Билган гапирар, билмаган хижолатликдан қўрқиб жим ўтираверарди. Шунинг учун кўпгина шифокорларимиз ҳануз ўзбек тилида муомалада оқсайдилар, бемор ҳам унга ўз фикрини тушунтиришда қийналади. Мана, лекция ва машғулотлар ўзбек тилига ўтказилгандан буён талабаларнинг ўзлаштириши ҳам кескин ўсди. Бу бизни қувонтирмоқда, келажакка яхши умидлар билан қарашга ундамоқда.

— Турғунпўлат Обидович, шифокорларнинг маърузачилик маҳоратини ўстириш юзасидан мақбул фикрларни ўртага ташладингиз. Бироқ, тиббиёт институтларида санитария маорифи предмети номигагина, тўрт ёки саккиз соатгина ўтилади. Яқин орада ўзгариш бўладими?

Т. Д.:

— Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу йил ўқув программасига унчалик ўзгариш киритилмайди. Аммо келгуси йилдан бошлаб барча фанлардан машғулотларни жуда пухта ўйлаб, зарур соҳа фанларига эътиборни кучайтирамиз. Жумладан, санитария маорифи, маданияти алоҳида аҳамият касб этади. Мақсадимиз, хаста кўнгилларга таскин бера оладиган шифокорларни тарбиялаш.

— Биласизларки, кейинги пайтларда халқ табобати тўғрисида кўплаб ишлар бўляпти. Тошкентдаги ҳар иккала институтда шу номда кафедралар очилишига умид борми?

Т. Д.:

— Махсус кафедра очишга ҳозирча имкониятимиз йўқ. Лекин бу масала бош қотиришга арзийди, деб ўйлайман

Ҳ. Қ.:

— Гап бундоқ. Ҳукуматимизнинг қарорига биноан Наманган шаҳрида халқ табобати маркази очилган. Яқин кунлар ичида унинг филиали Тошкент шаҳрида ҳам иш бошлайди...

Т. Д.:

— Ҳамид Ёқубович анча камтарлик қиляптилар. Шарқ халқлари табобатидан анча хабардор бўлган етакчи олим айнан шу киши ҳисобланадилар. Халқ табобатини ўргатишда бош-қош бўлиб турган шахс ҳам айнан шу киши. Дарвоқе, яқинда вазирликда олимлар иштирокида ўтказилган йиғилишда Ҳамид Ёқубович Шарқ халқлари табобатини ўрганиш ва уни амалиётга қўллаш бўйича маъруза қилдилар.

— Дипломсиз «врачлар», халқ табобати вакиллигига даъвогарлар ҳам кўпайиб кетаяпти-да...

Ҳ. Қ.:

— Махсус тайёргарликсиз, шифокор мутахассислигини эгалламасдан туриб беморларни даволашга уриниш, бу фақат жаҳолат, қаллобликдан бошқа нарса эмас. Тарихдан маълумки, табобат вакиллари ҳисобланган бобокалонларимиз ҳам махсус тайёргарлик бўйича таълим олганлар, устозлардан ўрганиш учун йиллаб вақтларини сарфлаганлар. Шарқ табобатининг сирини ўрганиш — томир ушлаб беморнинг қаери оғриётганини, касаллик қандай бошланганлиги ва қандай кечаётганлигини, қандай қилиб даволаш мумкинлигини адашмай айтиб бериш, бу осон иш эмас. Бундай малака эгаси бўлиш кишидан узоқ ўқиш, ўрганиш ва изланишни тақозо этади.

Табиатда ҳеч нарса бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди. Касалликни даволовчи омиллар ҳам табиатнинг ўзида. Фақат уни топа билиш керак. Зеро, ҳар бир ўсимлик, аслини олганда, нимагадир даво. Ўйлайманки, бўлғуси шифокорлар бу масалада биздан анча ўзиб кетадилар. Чунки давр ўзгармоқда, воқеа- ҳодисаларга қарашлар ўзгармоқда...

Т. Д.:

— Бир учрашувда ҳаммасини гапириб юбормайлик. «Ёш ленинчи» рўзномасини нафақат ёшлар, ҳатто биз каттадар ҳам мириқиб ўқиймиз. Вақти-вақти билан учрашиб турсак, дегандим. Ўйлайманки, Ҳамид Ёқубовичда ҳам, менда ҳам дилда тугун бўлиб ётган анча-мунча саволлар бор. Фурсатдан фойдаланиб рўзнома муштарийларига инсон учун энг қимматли бойлик — сиҳат-саломатлик тилаймиз ва ишонтириб айтамизки, бу йўлда қўлимиздан келган барча эзгуликларни қилишга ҳамиша тайёрмиз.

— Вақтларингизни аямай келганликларингиз ва яхши тилакларингиз учун катта раҳмат.

Зайниддин РИХСИЕВ ва Абдумажид ЭРГАШЕВ суҳбатлашдилар.



Ёзни мактаб ўқувчилари орзиқиб кутишади. Сабаби: кўпчилик учун ёзги таътил ойлари шу фаслда бошланади. Битирувчилар учун эса бу ойлар тағинда қадрли. Улар ўн йил таълим-тарбия олган севимли мактаблари, устозлари билан хайрлашадилар. Катта ҳаётга мустақил қадам қўядилар.

Ёз фаслининг кўпчилик учун қимматли бўлган яна бир томони бор. Бу ўқув юртларида қабул имтиҳонларининг бошланишидир.

Айни кунларда жумҳурият рус тили ва адабиёти институтида ҳам ишлар қизғин. Қабул комиссияси аъзоларининг-ку қўли-қўлига тегмайди. Бу ерда бўлғуси талабалар ҳужжат топширишдан олдин бирров синов — суҳбатдан ўтадилар. Ахир институтдагилар олий ўқув юртига қабул қилинаётган йигит-қизнинг иқтидорини, қизиқиши, саводхонлигини билиб олишлари керак-да.

Кеч бўлса-да, қадриятларимизни англаяпмиз. Бугунги кунда юзага келган ноҳушликларни бартараф этиш эса ишбилармон кишиларга, ўз касбининг фидойиларига, моҳир усталарига боғлиқ. Улар эса бугун олий даргоҳлар аудиторияларида сабоқ олишмоқда, талаба номини олиш умидида изланишмоқда.

СУРАТЛАРДА: жумҳурият рус тили ва адабиёти педагогика институтида ҳужжатларни қабул қилиш ниҳоясига етмоқда.

Суратчи Н. ШАРИПОВ.

МАШҒУЛОТДАН БЎШ ВАҚТЛАР

...Талабалар ёзги таътилга кетган пайти ўқув юртларида осойишталик ҳукм сурадигандай туюлади, назаримизда. Аслида эса...

Хива табобат билим юртида бир минг етмиш икки нафар талаба таҳсил кўради. Бу йил яна 330 нафар қабул қилиниши керак. Иштиёқманд кўп. Кириш имтиҳонлари давом этмоқда. Ўқув биноси ичкариси-ю, ташқарисида тўп-тўп абитуриентлар. Дастлабки синовдан ўтганлари хурсанд. Иккинчи имтиҳон ҳозирлиги. Кейин...

Кейин... билим юрти комсомол қўмитаси котибаси Уллибиби Шержонова хонасида навбатдаги тадбирни ўтказиш устида маслаҳатлашаётган ёшлар орасида бўлишлари мумкин. Унда ҳам комсомолга хос фаоллик кўрсатишса. Бу фаоллар талаба ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ёзги таътилда ишлаб чиқариш практикаси ва қурилиш қисмларига жўнайдиганларни эсдан чиқармаслик ҳаракатида. Қурилиш қисми деб асосан қизлар таълим оладиган даргоҳга нисбатан ишлатиш ўнғайсизроқ. Аслида, бу йил 120 нафар қиз Астрахан вилоятига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғиштиришга кўмаклашиш учун жўнади. Кўнгилли юз эллик нафари эса «Сўғдиёна» отряди сафида қўшни Шовот ноҳияси деҳқонларига картошка йиғиштиришга отланди... «Бешинчи чорак»да ишга тортилганлар шу холос...

Билим юртида бир минг олтмиш саккиз нафар комсомол аъзоси бор. Дилмира Солаева, Гулчеҳра Тожибоева, Гуласал Раҳимова, Қўзибой Матчанов каби комсомол фаоллари котибанинг яқин ёрдамчилари. Иш оз эмас. Талабалар асосан ётоқхонада яшашади.

Ўқув юртида ҳавас қилгудек спорт зали бор. Зал керакли анжомлар билан жиҳозланган. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Шамил Нуруллаевнинг эътироф этишича, спортнинг қатор турлари бўйича қизлар турли доирадаги мусобақаларда қатнашиб, қуруқ қайтмасликка интиладилар...

Дарвоқе, билим юртида икки мутахассислик: акушерлар ва шафқат ҳамширалари тайёрланади. Орол қуриши билан денгиз музофотида юзага келган оғир экологик вазият бу касб эгаларига талабни кучайтирмоқда, масъулликни оширмоқда. Биргина Хоразм вилоятида минг нафар врач етишмаслиги эса кўпгина ҳолларда шу нозик-ниҳол ҳамширалар елкасига дўхтирликнинг машаққатли вазифаларини ҳам юкламоқда. Бундай пайтда эгаллаган илминг саёз бўлса, кўп панд беради...

Комсомоллар етакчиси У. Шержонова айтмоқчи, талаба қизларнинг ўз мутахассислигини мукаммал эгаллаши биринчи галда ёшларнинг уюшқоқлиги, мақсаднинг муштараклигига боғлиқ. Билим



юртида ана шу бирликнинг бошида турган ташкилот — комсомол. Буни «қизил гап» учун айтаётганимиз йўқ. Комсомол, фирқани айблаш, сўкиш русм бўлган замонда бошқача йўл тутишимиз ҳам мумкин эди. Аммо, билим юртида кўрганимиз борнибор деб қўя қолишимизга асос бўлди. Ишонмасангиз, ихтиёрингиз...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

СУРАТДА: билим юртида машғулотлардан бўш вақтлар акс эттан.

Ж. ҚОЗОҚОВ сурати.

Сиз ёқтирган хонанда

ИҚТИДОР



Иқтидор. У насиб этган кишилар салкам аллома бўлади дейишади. Бундайлар жуда теран фикрлайдилар. Ён атрофдаги воқеаларга бефарқ бўлмайдилар. Муҳими улар билан суҳбатлашсангиз пурмаъно фикрлар, ўткир мушоҳадалар сизни лол қолдиради. Агар у санъаткор бўлсачи?! Ҳаёт, давр муаммолари борасидаги қарашларини, фалсафий ўйларини тинглаганингиз сўзсиз қўшиқларига қизиқишингиз, ўзига ҳурматингиз чандон ортади. Хонанда Нуриддин Ҳамроқулов билан мусоҳабалашганимда шундай бўлди.

Унинг санъат чаманига кириб келиши ўзгаларникидан фарқли ўлароқ мустақиллик мойил. Ёшлигидан мавж урган қўшиқ, қўшиқ айтмасдан туролмаслиги туфайли эришди бунга. Муҳими ундаги иқтидор эди, албатта. Кўпларни устозлар етаклаган бўлса уни яна шу иқтидори етаклади. 1962 йили Андижон вилоятидаги Охунбобоев номли театрга келганда аллақачон одамлар кўнглига тушган эди. Театрнинг гастролларида қатнашиши, баъзи ролларни ижро этиши ўша илиқликни чинакам меҳрга айлантира бошлади. Буни театрнинг ўша пайтдаги бадиий раҳбари, санъатимиз дарғаларидан бири Аббос Бакиров ҳам сезган эди. Шу боис бундай иқтидор эгаларини эъзозлаш лозимлигини тушунган ҳолда синов қила бошлади. Театрда ўша кезларда Комил Яшиннинг «Коммунистлар» асари саҳналаштирилаётган эди. Ундаги адъютант (ёнида юрадиган йигит) ролини Нуриддинга топширди. Ҳар қалай уринишлар пучга кетмади. Аксинча Нуриддин ролни шу қадар қиёмига етказиб ижро этдики, натижада олқиш-гулларга кўмилди. Шундан кейин унинг ижросидаги қатор-қатор роллар томошабинлар ҳурматини қозонди.

1978 йили жумҳуриятнинг барча вилоятларида филармониялар ташкил қилинди. Улар асосан қўшиқ жанрини ривожлантириши лозим эди. Нуриддин ўша кезларда кўп ўйлади. Охири қўшиқсиз яшай олмаслигини тан олди. Театрнинг 60 йиллиги муносабати билан хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлдию кейин қўшиқчилик санъати билан шуғулланди. Унинг бошқа санъаткорлар қатори ўзи ўйлаб юрган муаммолари ҳам йўқ эмасди. Жумладан замонавий асбобларни миллий куйга мослаштириш борасида кўп тортишувлар бўлиб ўтди. Аммо хонанда ўз сўзида туриб олди.

— Чолғу асбобларининг миллати бўлмайди. Ҳозир бу нарса кенг кўламда ишлатилмоқда. Гап фақат уни ишлата билишда, — дейди.

Чиндан ҳам ҳозирги кунда турли замонавий асбоблардан миллий куйларда фойдаланилмоқда. Тортишувлар чоғида Нуриддиннинг бу гапига тўғридан-тўғри: бунга ўтадиган бўлсангиз эстрада артисти бўлишингиз керак, дегувчилар топилди. Аммо хонанда ҳақ бўлиб чиқди. Шу куйларда нафақат қўшиқ, ҳатто спектаклларда ҳам шу усуллар қўлланилмоқда.

Суҳбат чоғида хонанданинг ўта масъулиятли, куйинчак эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Ҳар бир санъаткор одамлар олқишига сазовор бўлган сари масъулияти тобора ошади. Шунинг учун яна ҳам чуқур маънодор шеърларни қидиради. Иқтидорли Нуриддин Ҳамроқулов ҳам бир дақиқа бўлсада тингловчиларни зериктирадиган четда қолдирмай, уларнинг талабига интилиб яшайди. Уларнинг дидига мос қўшиқлар яратишга уринади. Ана шу изланишларнинг маҳсули сифатида тинчликка бағишланган қўшиқни биринчилардан бўлиб халқ оҳанги ва куйига ижро этди.

— Ҳозирги даврда тинчлик ҳақидаги қўшиқни ҳамма айтиши керак, — дейди у. Кейин бир дақиқа тин олгач ўз фикрини давомлаштира тушунтирди. — Ҳозирги кунда мураккаб вазият юзага келди. Одамлар магазинда қанд-қурс, кийим-кечак йўқлигига ачинишяпти. Аслида инсоният учун энг зарур фазилатлар қадр-қиммат, ор-номус, тарбия йўқолаётганини билишмаяпти. Миллатлар ўртасида гоҳ у, гоҳ бу вилоятларда юзага келаётган воқеаларни эслайлик. Ахир ким ўйлабди шундай бўлишини? Ҳатто уруш йиллари ҳам жийда, туршак билан зўрға кун кўрсада бир-бирини суяб асраган, дада бўлган халқимиз. Ўғрилик қилмаган. Тасаввур қилинг-а, бир-икки йилдан кейин қанд-қурс магазинларда пайдо бўлар. Аммо қадр-қиммат, ориат, одобни эса қайта тиклашга, бўлғуси авлодга қайтариб беришга асрлар ҳам камлик қилади. Сезаётган бўлсангиз буларни вилоят, ноҳия партия қўмиталари ҳам унутишмоқда.

Миллатлар ўртасидаги низоларни қаранг. Қасддан бошқа миллатнинг уйини ёқишяпти. Ўша уйнинг ёнида ўз миллати вакили яшашини, унинг ичида ҳам гўдаги борлигини унутишяпти. Бу разолатларга чидаб бўлмайди. Шу ўринда Чустийнинг ғазалидаги қуйидаги сатрлар ёдимга келди:

Икки қўшни талашади,
бу ер меники деб,
Ер айтади, эй нодонлар
иккаланг ҳам меники деб.

Ниҳоятда тўғри айтилган. Шунинг учун тинчлик ҳақидаги қўшиқни каттаю-кичик бирдай куйлаши лозим.

Иш юзасидан кўп одамлар билан суҳбатлашганман. Аксарият ҳолларда ҳар ким ўз фикри — уйи, соҳасининг ташвишлари билан бандлиги сезилади. Нуриддин Ҳамроқуловни эса қўшиқ санъатидан ташқари кўпроқ чин маънодаги ҳаёт воқеалари, Оролнинг бир пайтлардаги пўртана тўлқинлари-ю, дастурхон атрофида айтилмай қолаётган «бисмоллоҳ»гача ташвишлантиради. Айниқса бошқа миллат одатларини тўла сингдириб олганимиз қандай оқибатларга олиб келгани аён. Ўзбек хонадонларидаги файзу-тароват, қут-барака авваламбор ўша расм-русумдан, ота-боболаримиз ўргатган одатлардан эди.

— Ҳар куни кечки пайт дастурхон атрофида ота-боболаримиз турли дуоларни ўргатишарди, — дейди санъаткор болалигини эслаб. — Дуо, аслида яхши ният, эътиқоддир. Шунингдек қуръоннинг турли сураларини ўқиб, мазмунини шарҳлаб беришарди. Кечки овқат ҳамма дастурхон атрофига тўпланмагунча ейилмасди. Буларнинг ҳаммаси яхши тарбияга, меҳр-оқибатга пухта замин эди. Энди-чи? Қайси хонадонни қараманг биров телевизор кўради, биров газета ўқийди, биров ошхонада овқатланади. Хонадонда ҳар ким ўзича иш юритади. Беҳаёлик, беодобликни ёшларга биринчи навбатда телевизор ўргатмоқда.

Нуриддин Ҳамроқуловнинг кейинги пайтларда концерт программалари олдидан томошабинларга шу каби юрак дардларини айтиб, тарғибот ишлари олиб бораётгани ҳақида олдинроқ эшитгандим. Лекин бу қадар куйинчаклигини, кенг фикрлашини, одамжонлигини энг муҳими имони бутлиги, эътиқоди кучлилигини тасаввур этмагандим. Унинг репертуаридаги қатор янги қўшиқларнинг кириб келиши ҳам шундан. Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтиладиган «Эртакларга айланган давронлар»да қуриб бораётган Орол, йўқолаётган жайронлар, заҳарланиб кетаётган муҳитни асрашга ишора қилинади. Шунингдек «Муҳаббат» (Ҳабиб Саъдулла шеъри), «Сен қайтгин» (Ҳанифа Солиҳова шеъри), «Қизил олма» (Оҳунжон Ҳакимов шеъри) каби қўшиқларда ҳам инсонийликнинг энг олий туйғуси вафо, садоқат ўзига хос жозиба билан куйланади. Шу боис бир олам қайғуни, бир бурда қувончни орқалаб толиққан ҳар қандай юрак хонанданинг фақат ўзига хос бўлган ширали овозига, ёқимли қўшиқларига суянади, улардан паноҳ топади.

Хонанда санъаткорлик фаолиятини театрда бошлаганлиги туфайли бу ҳақда бефарқ қололмадик. Қарангки бу борада ҳам дилини изтиробга солаётган гаплари бор экан. Қанча спектакль кўрган бўлсакда сиз билан биз кўпчилик театрдаги кийимлар аллақачон эскиргани, уларда замонавийлик йўқлигига у қадар аҳамият бермаганмиз. Катта иқтидор эгаси буни аллақачон пайқаган.

— Театрларимиз инқирозга учрашида уларнинг камбағаллиги энг асосий сабаб. Айтайлик актриса қиролича ролини ўйнаяпти. Ёки фан докторини. Томошабин унинг кийимларига қараб камчилик топади. Чунки залда ундан чиройлироқ кийинганлар кўп. Аслида-чи. Саҳна томошабиндан қарийб бир метр юқори. Бу деган сўз санъат ҳам шу қадар юқори бўлиши керак. Театрларимиз бу борада олдинга силжишлари жуда қийин. Чунки моддий даражаси кўтармайди. Улардаги план деган нарсани олиб ташламагунча шу аҳвол давом этса керак. Хуллас, роль ўйнаётганда актёрлар бир жиҳатдан устиларидаги даққиюнусдан қолган кийимларга ҳижолат чекишса, иккинчи жиҳатдан ўша пайтда ҳам бола-чақа ташвишини қилишади. Чунки маош жуда-жуда оз. Шуларни ўйласам филармонияга ўтиб кетганимга афсус чекмайман.

Нуриддин Ҳамроқулов театр санъатидан қўшиқ санъатига ўтиб ўзининг «На сен дединг, на мен дедим бу сўзни», «Оққуш», «Ажаб сирлар», «Сой кўрдим», «Оламни сақланг дўстлар» каби ўнлаб қўшиқлари билан тингловчилар дилини хушнуд этди.

Яна бир қувонарлиси шуки, унинг ўғли Ойбек ҳам ота касбини танлаб илк қўшиқларини «зангори экран» орқали тингловчиларга ҳадя қилди. Унда ҳам ўзига хос овоз, услуб сезилмоқда. У таҳсил кўраётган маданият институти ўқитувчилари — устозлари уни асраб тўғри йўлга йўналтиришса, келгусида барча соҳада ота изидан борса санъат чаманида яна бир гул очилиши шубҳасиз.

Композиторлар яратган куйларда ҳар доим ҳам миллий руҳ бўлавермайди. Буни хонанда шундай изоҳлайди:

— Мард бўлсанг майдонга чиқ, дейди, халқимиз. Буни санъаткорга хос деса, бўлади. Халқ ўзига ёққан қўшиғини, ўзи хуш кўрган санъаткорини олқишлайди. Ўзи ёқтирган санъаткорнинг концертига келади. Агар ёқтирмаса уни бир зўрлаб концертга чақирингчи, келармикан. Ёки ёқмаган қўшиғига чапак чалдирингчи, чалармикан. Бизнинг фаолиятимизни доимо энг зийрак, энг тийрак, энг талабчан, зукко, халқнинг ўзи белгилайди.

Созанда ҳақ гапни айтди. Санъаткорнинг олқишга сазовор бўлишида томошабинлар билан, тингловчилар билан мулоқоти ҳам аҳамият касб этади. Нуриддин Ҳамроқулов камтар, меҳнаткаш, тиниб-тинчимас хонандадир. У катта-ю кичик тингловчини бирдек кўради, бирдек муомала қилади. Халқ эъзозини олишида, ҳурмат қозонишида бу ҳам катта роль ўйнайди.

— Санъаткорлар бир-бирини кўролмайди, дейишади. Бунга қандай қарайсиз, — сўраймиз ундан.

— Етук санъаткорлар бир-бирини доим ҳурмат қилади. Ахир бизда деярли бўш вақтнинг ўзи йўқ. Бир-биримизни кўришга зормиз. Қанийди, вақти-вақти билан тўпланиб ўзаро қўшиқ санъати хусусида фикр алмашсак. Камчилигимизни рўй-рост айтсак. Ютуқларимиздан ўртоқлашсак. Бунга шароит йўқ. Шундай бўлгач қандай қилиб бир-биримизни «кўролмаслигимиз» мумкин. Бу бўлмаган гап.

Ҳаммада бўлганидек хонанда шу кунларда эзгу бир орзу билан яшамоқда. Азал-азалдан Андижонда тўю-маъракаларда халқ мақомлари куйланарди. Уни яхши айтолмаса халқ уни севмасди, сийламасди.

— Ғулом Хожиқулов билан биргаликда классикларимизнинг айтилмаган ғазалларини куйламоқчиман, — дейди суҳбатдошимиз ўз режалари ҳақида тўхтаб. Бобурнинг ғазалини куйлаш жараёнида имкон борича ўша давр маданияти, Муқимий, Навоий даври маданиятларини ғазал орқали, ҳамда кийим, саҳна орқали ифодалаш орзуйим. Саҳналаштирилган концерт программа устида иш олиб боряпман.

Катта иқтидор эгасининг пурмаъно суҳбатларидан қониққан қалбимизда ажиб бир ҳис пайдо бўлди. Унга барча-барча орзуларининг рўёбга ошишида омад тиладик.

Муқаддас СОЛИҲ қизи.

ТОШКЕНТ—СИЭТЛ: СУРАТКАШЛАР НИГОҲИДА

Океан ажратиб турган икки шаҳар сураткашларининг ижодий услуби ҳам, акс эттириш усули ва шакллари ҳам ниҳоятда хилма-хил. Бироқ уларни бирлаштириб турадиган муштараклик ҳам бор — бу ҳаётни ҳис этиш, унинг бор ранг-баранглиги ва гўзаллигини акс эттиришга интилиш шу жумлага киради. Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида очилган «Тошкент — Сиэтл: халқ дипломатияси» кўргазмасида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Кўргазма бўлажак яхши ният ўйинларига бағишланган.

Ўн етти нафар сураткашнинг элликдан ортиқ рангли ва оқ-қора тасвирдаги суратларида биродарлашган шаҳарларнинг турмуши ва кишилари ҳақида ҳикоя қилинади. Кўргазма кўп вақтини биродарлашган шаҳарлар қўмитасида ўтказаётган сураткаш мухбир В. Ковреин ташаббуси билан уюштирилди. У яқинда Сиэтлга қилган ижодий сафаридан қайтиб келди.

А. Шипелин билан П. Нэйвеннинг асарларини табиат мавзуси, унинг улуғворлиги олдида таъзим бажо келтириш, ана шу табиатни бўлажак авлодлар учун сақлаб қолишга даъват мавзулари уйғунлаштириб юборган. Майкл Бернзнинг бир қарашда унча назарга илинмайдиган, лекин ҳайратланарли даражада нафис ва ҳис-туйғуларга бой оқ-қора рангли суратлари инсоний феъл-атворларнинг ажиб бир дунёсини очади. Бу ўз юмушлари, қувончлари ва ишқибозликлари билан банд оддий америкаликлар дунёсидир.

Ф. Қурбонбоев ва В. Молчанов суратларида урф-одатлар ҳамда расм-русумлар, халқимизнинг анъанавий байрамлари киши кўз ўнгида намоён бўлади. Улар муаллифлар эътиборини нимаки тортмасин, тўй маросими ёки полвонларнинг юракни ҳаприқтирувчи беллашувлари бўлсин, энг аввало минг йиллик тарихи ва маданиятига эга бўлган халқнинг руҳини кўрсатишга уринадилар.

(ЎзТАГ).

Диққат—диққат

АРМОНДА ҚОЛМАНГ

Рига шаҳридаги «Инкорс» фирмаси **«Қандай қилиб гўзал бўлиш мумкин?»** тўплами устида ишлаш мобайнида дунёнинг кўпгина гўзалларига, жумладан етти ой давомида 20 йилга ёшарган Буюк Британия Бош вазири М. Тетчерга ўз сирларини ўртоқлашиши ҳақида мурожаат қилди. Ёшармоқчимисиз, ҳуснингиз мафтункор бўлишини истайсизми? Унда марҳамат: бизнинг **«Қандай қилиб гўзал бўлиш мумкин?»** номли тўпламимизни албатта олиб ўқинг. Унда гўзал бўлишнинг талай сирлари бор. Китобнинг баҳоси 7 сўм.

Шунингдек яна қадимги даврлардан ҳозирги кунгача эркак ва аёллар «муносабат»лари санъати ҳақидаги **«Кама Сутра»** китобини (баҳоси 10 сўм), Дейл Карнегининг **«Қандай қилиб машҳур бўлиш мумкин?»** каби дунёда энг ўқимишли китобларни ҳам тавсия этамиз. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Китоб ўқийдиган киши ақлли бўлади, кўпроқ китоб ўқийдиган киши эса доно бўлади. Шунинг учун яна **«Жинсий алоқада ўзига ишонган ва ишонмайдиган эркакларга амалий маслаҳатлар»** (баҳоси 10 сўм) ҳамда **«Турли мамлакатларнинг махсус хизматлари қўллаган фойдали иш усуллари»** тўғрисидаги (баҳоси 5 сўм) китобларни ҳам ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Китобларни қандай қилиб олиш мумкин? Йўли оддий: «Инкорс» фирмасининг таъсисчиларидан бири — «Классика» ширкати ҳисобига почта орқали маълум миқдорда маблағ ўтказиш лозим. **Ҳисоб сони 004461362, Рига шаҳри «Жилсоцбанк»и, код сони МФО 761286.** Китоб номи ва турар жой манзилгоҳингизни аниқ ва дона-дона қилиб ёзишни унутманг. Китобларни обуна нашрларини олиш қоидаларида қайд этилган муддатда оласиз.

ТУЗАТИШ

Рўзномамизнинг шу йил 13 июль сонида чоп этилган «Икки соатлик сабоқ» сарлавҳали суҳбатда «Алло, Рихси Юнусов бўламан» жумласи «Алло, Рихси Юнусова бўламан» деб ўқилсин.



Фарғона вилояти Киров ноҳияси Киров номли давлат хўжалиги ишчиларининг болалари бу йилги ёзги таътилга ажойиб совға олишди. Улар учун янги «Юлдуз» кашшофлар кошонаси қуриб битказилди.

Лагерда болаларнинг яхши дам олиши учун барча қулайликлар яратилган. Ҳар хил тўгараклар, спорт майдончаси, ҳовуз уларнинг ихтиёрида.

СУРАТДА: болаларнинг эрталабки бадан тарбиядан кейинги ювиниш пайти тасвирланган.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзТАГ) сурати.

Нуқтаи—назар

ИНГРОҚ

ёхуд қалбларда қотиб қолган орзулар

Қайта қуриш ва ошкоралик ҳалигача ўз ечимини топмаган. Халқ дилида жароҳат очиб, унинг газак отишига шароит яратиб берган муаммоларнинг ҳал этилишига замин ҳозирлади. Бошқача айтганда, бу муаммолар ҳақида ошкора фикр юритилаётганлиги, уларни бартараф қилишга имконият даражасида ҳаракат қилинаётганлиги қайта қуриш ва ошкоралик шарофатидандир.

Эндиликда уларни шунчаки гапириб, қоғозларда қолиб кетмасдан, амалда ҳал этишга эришмоғимиз ва шунга асосий диққат-эътиборни қаратмоғимиз керак. Зикр қилинаётган муаммолар халқпарвар ва инсонпарвар туркий халқлар, жумладан ўзбеклар қалбларида совуқ муз каби қотиб қолган ингроқ орзулар билан боғлиқдир.

Шарқшунос олим Бўрибой Аҳмедов домла Тошкент шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида 18 минг қўлёзма асар мавжудлиги, унинг 40000 жилдни ташкил қилиши ва уларнинг кўпчилиги ўрганилмагани тўғрисида афсусланиб гапирса, профессор Очил Тоғаев домла эса «Эски ўзбек ёзувини қадимий қўлёзмаларни пухта ўрганиш даражасида мукаммал билувчи мутахассисларнинг тобора камайиб бораётганлигини ҳисобга олганда бу улкан хазинамизни илмий ўрганиб, халқ мулкига айлантириш учун неча асрлар кераклигини тасаввур эта оласизми?» дея ачинади.

* * *

Қонунда кўрсатилган ва ҳал этилажак муаммоларнинг энг муҳими сифатида эски ўзбек тили ва ёзувига қайтишнинг алоҳида таъкидлангани қувонарли ҳол. Бу халқимиз қалбида қотиб қолган жонсиз орзулар эди. Бир неча ўн йиллар олдин лотин, кейин эса рус алифбосига ўтганимиз халқимизга жуда қимматга тушгани энди сир эмас. Натижада кимлигимизни, асл маданиятимизни, тарихимизни, ота-боболаримизни, гўзал урф-одатимизни унутдик, эътиқод деган ажиб туйғу биздан юз ўгирди.

Бунинг устига эски ўзбек тили ва ёзувини билгани, маданиятимиз ва тарихимизга доир китобларни тишлари кавагида авайлаб сақлаганликлари учун фозил ва оқибатли кишиларимизнинг сургун қилингани ёки қамалгани ҳақида эшитсам, ўқисам, сесканиб кетаман. Шунчаки оддий одамлар эмас, балки маданият тарихимизнинг қамоққа олинганини, қатағон қилинганини ҳис этаман. Гуруллаб ёнган, сувларга оқизилган, зах ерга кўмилган китоблар кўз олдимда намоён бўлганда, нафратланиб кетаман, ўша сиёсатдан ва сиёсатдонлардан.

Алишер Навоий каби улуғ зотларнинг асарларини эски ўзбек ёзуви ва тилини, шунингдек, шарқ тилларини билмай ўрганиш мумкин эмас, назаримда. Ўз бобомизнинг ёзганлари ва айтганларини бир ёки икки марта ўқишда тушунмасак, бу бизнинг нақадар ғариблигимиз эмасми? Ўз тилимизни таржима орқали ёки турли-туман луғатлар воситасида англасак. Бу қандай кулгулик ва кўргулик?!

* * *

Сувратларга чизилган,
Сувратлардан чиқолмай,
Қанча йиллар эзилган,
Оғриётган тилгинам!

Қайта-қайта сўзламакка даъват этади оғриётган тилимнинг, дилимнинг унсиз ингроғи. Барча туркий халқлар учун зарур бўлган шу муаммони ҳал этиш ўрнига турли иғволарга, миш-мишларга учиб, ўзбек билан туркларнинг, қирғиз билан ўзбекларнинг ва ҳоказоларнинг ўртасидаги ихтилофлар ва тўқнашувларнинг содир бўлаётганидан оғриқли ўйга толамиз. Бу жанжаллар не ҳожат? Бўлашиб олинадиган бойлигимиз борми? Битта бойлигимиз бор. У бўлинмайди ва бўлиниши мумкин эмас, назаримда. У ҳам бўлса туркий халқларнинг — Ўрта осиёликларнинг ягона маданият тарихию, бир-бирига ўхшаш эгизак тилимиз. Мен ўша низоларнинг илдизи — тарихимиз, маданиятимиз соҳаларида саводсиз бўлиб қолганимизда, деб тушунаман.

Яқинда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг Баёноти шундай жумла билан бошланади: «Биз шиддатли сиёсий жараёнлар, қадриятларга қайта баҳо бериш, ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва маънавий соҳаларидаги танглликни бартараф этиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз». Ҳақ гап. Топталиб келинган қадриятларимизни, маънавий бойликларимизни, маданиятимизни, азалий дўстлик анъаналаримизни бир жону бир тан бўлиб қайта тиклашимиз лозим. Бирлик керак. Бузилмас БИРЛИККА эришсак, ЭРК нақд деган гап. Эрк бор жойда эса, оғриқлар тугаб, ингроқларимиз табассумга айланажак!

Сарвар ОЧИЛОВ.

ТВ

18 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Деҳқончилик мақоми». Телефильм. 12.30 Такрорий фильмлар экрани. «Интеграл». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Байрамали», «Молдово шишаси». Телефильмлар.

ҚУВНОҚ ЎТСИН ТАЪТИЛЛАР

18.10 «Комариль». Мультфильм. 18.30 «Тоғлар чорлайди». Жумҳурият ёш сайёҳлари даврасида. 19.00 «Оролбўйи муаммолари». Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг шимолий ноҳияларида уй-жой қурилиши билан боғлиқ муаммолар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен меъмор бўламан». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Соғинч оҳанглари». Қадам Саидмуродов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Малина виноси». Бадиий фильм (Рига киностудияси). 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Навоийхонлик». Алишер Навоийнинг адабий мероси (рус тилида). 18.35 «Қайта туғилган туйғу». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ТИЖОРАТ КЎРСАТУВИ

20.00 «Иш ўнгидан келганда» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ҳунар омуз». Касб танлаш муаммолари. 21.30 «Дил торлари». СССР халқ артисти Жўрабек Муродов иштирокида фильм-концерт. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Сирена». 22.35 «Ҳаёти деҳот». Тележурнал. 23.15 Телефильм-концерт.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Лейгарид» фольклор ансамблининг концерти (Таллинн). 8.30 «Ўғрилик». Телевизион ҳужжатли фильм. СССРдан тарихий ва маданий бойликларни олиб чиқиб кетилаётганлиги ҳақида. 9.20 «Бу бўлган... бўлганди...». 9.35 «Қазо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. Премьера. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Мусиқий хазина». А. Вивальди асарларидан концерт. 15.55 «ТелеЭКО» журнали. 16.25 «Иккинчи истеъдод». Геологлар бадиий жамоаларининг концерти. 16.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Мультфильм. 18.40 И. Архипова ижросида С. Рахманинов романслари. 19.10 «Қазо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. Премьера 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Франциядаги учрашувлар. 22.05 Долзарб интервью. 22.15 «Орзуларим, мени алдаманг». Леся Украинканинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фильм-концерт премьераси. 23.15 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.45 Болалар учун фильм. «Кўҳна қалъа». 3 ва 4-сериялар. 9.55 «Асрлар қаъридан». Фрунзе шаҳридан кўрсатилади. 10.25 «Бор бўл, мусиқа!». Союзлар уйининг Колонна залида болалар Катта хори рақс группасининг чиқиши. 10.45 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар: «Стартда — ёшлар», «Эркин парвоз», «Старт». 11.15 Швед радиоси хорининг концерти. 12.00 Такрорий телефильмлар сеанси. «Даъвогар». 2-серия. 16.30 «Деҳқонлар иши». 1-кўрсатув. 17.30 «Севги ва баҳор». Л. Привина куйлайди. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 18.35 «Мами Блу». Телевизион спектакль премьераси (Венгрия телевидениеси). 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...». 19.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Оталар ери» (Тюмень). 20.15 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 21.05 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.10 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Матонатли кишилар». 2-серия.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ленинчи

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64667.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04686.   Д. — 23502.